220396

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1996 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА — ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ • СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН — 20 март, № 12 (3349)

НАВРЎЗИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ БОРИС ЕЛЬЦИН ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Борис Николаевич!

Узбекистон халқи Россия Федерацияси Давлат Думаси 1996 йил 15 март куни Беловеж битимларини бекор қилиш ҳақида коммунистлар ташаббуси билан қабул қилган қарорни ташвиш билан кутиб олди.

Аслини олганда, бу қарор собиқ СССРни, коммунистик мафкурани қайта тиклашга, тоталитар тузум ҳамда 1991 йилда Россия халқи томонидан ҳам, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги бошқа барча халқлар, жумладан, Ўзбекистон халқи томонидан ҳам якдиллик билан рад этилган эски ақидаларга қайтишга даъват этишдан бошқа нарса эмас. МДҲ муқобили йўқ ҳамжамият бўлиб, унда Россияга ҳақли равишда етакчи ўрин ажратилганига бизнинг ишончимиз комил.

Узбекистон қатъий равишда мустақиллик йўлини, барча давлатлар, биринчи галда Россия билан, асрлар давомида дўстлик ва қардошлик ришталари билан узаро боғланган Россия халқи билан тенг ҳуқуқли ва узаро фойдали ҳамкорлик қилиш йўлини танлаб олган.

Биз Россия 1991 йилда танлаган йўл — янгиланиш, демократик ислоҳотлар, суверен демократик мустақил давлат қуриш йўли, бу йўл фаровонлик, улкан табиий, моддий, маънавий ва ақл-заковат салоҳиятига эга бўлган халқнинг ҳаётини тўкис қилиш йўли эканига қатъий аминмиз.

Муҳтарам Борис Николаевич!

Сиз, Россиянинг Президенти ва барча демократик кучлар, Россия жамиятини янгилаш тарафдорлари қўллаб-қувватловчи тан олинган етакчиси сифатида Россияни эски, умрини яшаб бўлган тузумга қайтаришга интилаётган турли сиёсий доираларга муносиб зарба берасиз, Россия ислоҳотлар йўлидан дадил бораверади ва жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўринни эгаллайди, деб қатъий ишонамиз.

Эҳтиром билан, Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЛУҒ ИШГА ҲИССА ҚЎШАЙЛИК

Буюк соҳибқирон бобомизнинг муборак тўйлари муносабати билан Темур ва темурийлар давридаги илм-фан тараққиёти, маданият ва маориф сарчашмаларини чуқур ўрганиш ва шу асосда мустақил давлатимиз ёшларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, бугун айниқса, муҳим аҳамият касб этаётир. Зеро, буюк давлат арбоби, халқимиз маданияти ва маънавий тараққиётининг беназир ҳомийси бўлган Амир Темур бобомизнинг ижтимоий-сиёсий меросини ўрганиш ва уни барча-барчанинг маънавий мулкига айлантириш эҳтиёжи ҳам бизни ана шунга зиммадор этади.

Мен шу муносабат билан «Халқаро Амир Темур жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» ва «Темурийлар тарихи давлат музейини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини чуқур бир мамнуният билан кутиб олдим. Қарорда халқаро жамғармаининг рутбасини кўтариш, уни молиявий, моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан муҳим тадбирлар белгиланган. Хусусан, Амир Темур фаолиятига оид тарихий манбаларни чуқур ўрганиш ва нашр этиш, темурийлар даври меъморий ёдгорликларини қайта тиклаш ва таъмирлаш юзасидан белгиланган вазифалар, жамғарма учун махсус бино, автотранспорт ажратилганлиги ва бошқа тадбирлар бу борада бошланган қутлуғ ишларнинг равнақига равнақ қўшади, деб ишонаман.

Темурийлар тарихи давлат музейини ташкил этиш ҳақидаги ҳужжатда ҳам халқимиз маънавий қадриятларини тарих учун, келажак авлодларнинг ҳам ундан ифтихор этиб юришлари учун асраш вазифалари алоҳида таъкидланган.

Барпо этилаётган музейга Амир Темур ва темурийлар даврига оид ашё-ҳужжатлар, осори-атиқаларни тўплаш, жаҳоннинг турли мамлакатларида бўлган бундай ноёб манбаларнинг ўзини ёки нусхаларини олиб келиш билан боғлиқ ишларга ривож бериш йўллари аниқ қилиб белгиланган. Бу ишлар шубҳасиз халқимизнинг кўнглини кўтаради, миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғусини камол топтиради. Улуғ боболаримизга муносиб фарзандлар бўлиб етишишга даъват этади.

Мен соҳибқирон бобомиз тарихига доир манбаларни ўзбек тилига ағдаришга баҳоли қудрат ҳисса қўшган бир олим сифатида барча зиёлиларимиз, адиблар ва олимларимизни Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган муҳим тадбирларни рўёбга чиқаришда фаол иштирок этишга, бобомизнинг муборак тўйларини муносиб кутиб олишга чақираман.

Убайдулла УВАТОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими

ИҚБОЛГА ЁР БУ ЮРТНИНГ...

Мен бугун тонгда туриб, бошларканман тиловат,
Бошимни силаб Пирлар айладилар далолат,
Тутдинг эътиқод йўлин, бергайдирмиз кафолат:
Имонга ёр бу юртнинг шони кемтик бўлмагай,
Иқболга ёр бу юртнинг нони кемтик бўлмагай.

Баҳоуддин бобомдан уқсам дарслар субҳи шом,
Тариқатлар гул очди юрагимда номма-ном,
Дедиларки: «Дил ба ёр, даст ба кор» бўлсанг мудом:
Имонга ёр бу юртнинг шони кемтик бўлмагай,
Иқболга ёр бу юртнинг нони кемтик бўлмагай.

«Хожа Абдулхолиқман, яъни ғиждувонийман,
Болам, руҳим яшнатдинг, мен энди жаҳонийман»,
Дедилар устоз тағин: сўзим-сўз — замонийман:
Имонга ёр бу юртнинг шони кемтик бўлмагай,
Иқболга ёр бу юртнинг нони кемтик бўлмагай,

Ҳазрат Моҳитобондан қолган нақл бу турур,
«Адолатта таянган элни тарк этмас ғурур».
Бу — абадий башорат, бу - сира ўчмас сурур:
Имонга ёр бу юртнинг нони кемтик бўлмагай,
Иқболга ёр бу юртнинг шони кемтик бўлмагай,

Бобойи Самосийдан сўрдим таъзим бажолаб,
— Сизга мақбулми, тақсир, биз бошлаган йўл-матлаб?
Дедилар зоти комил ҳар каломни ҳижолаб,
Имонга ёр бу юртнинг шони кемтик бўлмагай,
Иқболга ёр бу юртнинг нони кемтик бўлмагай.

Бобаракот Мир Кулол, Али Ромитаний ҳам,
Муаллими мўътабар -беназир Фағнавий ҳам,
Дилдан айлаб дуолар, уқтирдилар шод, хуррам: —
Имонга ёр бу юртнинг шони кемтик бўлмагай:
Иқболга ёр бу юртнинг нони кемтик бўлмагай.

Ўзбекистон— онажон, қадим Турон гавҳари,
Улуғларга бешиксан — тариқатлар сарвари,
Бир-бир суҳбатлар қурдим, шудир Пирлар иқрори:
Имонга ёр бу юртнинг шони кемтик бўлмагай,
Иқболга ёр бу юртнинг нони кемтик бўлмагай.

Тошпўлат АҲМАД

Бирлашган ўзар

НАВРЎЗИ ХУШНАСИМ ТОЛИМАРЖОННИНГ

• Икки қондош халқнинг дўстлик байрами • Меҳр дарёлари туташганда • Қардошликнинг теран томирлари

Узбекистон жанубида, қуҳна Жайҳун соҳилларида, қадимий Кешу Насаф боғларида хуш айём Наврўз насимлари жуда эрта эса бошлайди. Қарши даштининг Амударёга қадар ястанган кенгликлари, қир-адирлари яшил гиламлек тўшалган кўм-кўк майса-лар чўлнинг мию хил гиёҳларига бурканади. Табиатдаги уйғониш одамларнинг гулгун чеҳраларига кўчади. Одамлар қалбида йил буйи интиқлик билан кутилган Наврўзи олам хуррамликлари дилдан тилга ва ундан катта-катта давраларга, бу байрамни барча элу халойиқ бир бўлиб нишонлайдиган қир-адирлар бағридаги тантаналарга кўчади.

Якшанба куни Толимаржонда Қашқадарё ва Туркманистоннинг Лебап вилояти меҳнаткашларининг Наврўз айёми муносабати билан бўлган дийдорлашув байрами ҳам ана шундай ўзгача бир шукуҳ, ўзгача бир ифтихор билан ўтди. Икки мустақил давлат чегарасида жойлашган Узбекистоннинг Толимаржон шаҳрига қўшни туркман элининг вакиллари, оқсоқоллари, юрт кайвонилари ташриф буюришди. Икки халқ фарзандларининг Наврўз дийдорлашувига ҳар икки вилоятнинг ҳам бир-бирларига қўни-қўшни бўлган ўнлаб туманларидан минг-минглаб одамлар йиғилдилар.

Байрамни Нишон тумани ҳокими Ҳайит Жониев ўзининг дил сўзлари билан очди. Шундан сўнг Қашқадарё вилояти ҳокими Озод Давронович Пармонов ва Туркманистоннинг Лебап вилояти ҳокими ўринбосари Режап Отаевич Отаевлар ҳар икки халқ вакилларини Наврўз байрами муносабати билан самимий қутлаб дилар.

— Тарихи ва тақдири муштарак халқларимизнинг эзгу орзуниятлари ҳам муштарақдир,— деди О. Пармонов.- Бундан ўттиз йил бурун Қашқадарё ва Лебап вилоятларининг меҳнаткашлари Амударё сувини чўлга оқизишдек катта бунёдкорлик ишига биргаликда қўл урган эдилар. Мана бугун ана шу улуғ ишнинг самаралари ва ёш ҳиссаларини ҳам кўриб турибмиз. Ҳамкорлигимиз, дўст-бирадарлигимиз рамзи сифатида қад кўтарган Дўстлик ва Толимаржон шаҳарлари, ўнлаб янги туманлар, юзлаб хўжаликлар, янги боғлар ва пахтазорлар бугун ҳар икки ҳур ва озод мамлакатнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, азалий удумлари, анъаналарини авайлаб асрашга хизмат қилаётир. Бу янги манзилгоҳлар ўзбеклар ва туркманларнинг бир ёқадан бош чиқариб, қўлни-қўлга бериб ҳамкорликликда рўёбга чиқарган улуғ яратувчилик ишларидан порлоқ бир хотирадир. Ҳар икки мамлакат Президентларининг Чоржўйдаги учрашуви чоғида имзоланган ҳужжатлар янги шароитда иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ишига яна бир улуғ ҳисса бўлиб қўшилди. Сиз ва бизнинг бугун Наврўз айёмини биргаликда байрам қилаётганимиз, уни ўзаро дийдорлашувлар, шод-хуррамликлар билан ўтказаётганимиз ҳам ана шу анъанавий биродарлик алоқаларининг ўзвий давомидир.

Давоми иккинчи бетда

СОҒИНГАН КЎЗЛАРДА КУЛАР БОЙЧЕЧАК...

Ҳаётбахш ерларда яшаш ва яшариш фаслининг илк чечаклари ўниб чиқаётган Ватанимиз остонасида халқимизнинг азалий ва орзули байрами Наврўзи олам эшик қоқиб турибди. Шоир айтганидек:

Соғинган кўзларда кулар бойчечак,
Ерданмас, юракдан унар ҳар чечак.
Авлодлардан бизга аламли эртак,
Йўқотиб, топганинг — Наврўз муборак!

Бугун диёримизнинг ҳамма бурчакларида Наврўзни муносиб кутиб олишга тайёргарлик ниҳоясига етди. Пойтахтимизнинг асосий маскани — Мустақиллик майдони, Сайилгоҳ, Халқлар Дўстлиги, Алишер Навоий номидаги театр, Улуғбек, Ҳадра майдонлари байрамга ҳар жиҳатдан тахт қилиб қўйилди. Алишер Навоий номидаги боғ мемориалида ўтадиган асосий байрам дастурини Йўлдош Муқимов сценарийси асосида Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Рустам Ҳамидов бош режиссёр сифатида тайёрлади.

Бу майдонларда томоша кўрсатадиган «Ялла», «Шодлик», «Лазги» «Зарафшон», «Баҳор» ансамблари, Қумуш Раззоқова, Муножот Йўлчиева, Ғуломжон Ёқубов, Нуриддин Ҳайдаров, Азим Муллахонов, ДонирТошмуҳамедов, Павел Борисов ва бошқа гуруҳлар ҳамда таниқли хонандалар байрам куни мухлисларини хушнуд этадилар.

Худди шунга ўхшаш тантаналар ҳар бир вилоят, туман, шаҳар марказларида бўлиб ўтади. Тошкент шаҳрида наврўз кунлари ўтадиган тантаналар ҳақида Узбекистон Маданият ишлари вазирлиги маданий-маърифий ишлар ва халқ ижодиёти бошқармаси бошлиғи Рустам Хўжаев қуйидагиларни гапириб берди:

— Алишер Навоий мемориалида ўтадиган асосий тантанада вилоятлардан келган фолклор-этнографик ансамбларининг 40 дақиқалик чиқишлари бўлади. Бу томошани Узбекистон халқ артисти Абдурашид Раҳимов тайёрлади. Унга Узбекистонда хизмат кўрсаттан артист Марат Азимов ёрдам берди. Пойтахтимиздаги 14 та маданият ва истироҳат боғларида эса халқ сайиллари бўлади. Бу сайилларда Тошкент шаҳрининг савдо корхоналари меҳнаткашларга хизмат кўрсатади.

Менимча, Алишер Навоий номидаги театр майдонида бўладиган томошалар барча болажонларни хурсанд қилса керак. Чунки бу ерда қўғирчоқ театри томошалари, Турсунали Мамажонов раҳбарлигида «Водил чинори» халқ цирки-нинг чиқишлари бўлади. Айниқса, Узбекистон халқ рассоми Рузи Чориев раҳбарлигида асфалтга сурат чизиш бўйича ўтказиладиган конкурс болаларда қизиқиш уйғотиши табиий.

Энди бу йилги наврўз тантаналарида буладиган асосий янгиликни айтиб ўтмоқчиман. Ўзингизга маълум, ўтган йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда республика ҳунармандларининг биринчи кўргазмаси ўтказилган эди. Бу кўргазма пойтахтликларда ҳам, чет эллик меҳмонларда ҳам катта таассурот қолдирди. Наврўз кунлари ушбу кўргазма яна ўз фаолиятини бошлайди. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган ҳунармандлар савдо расталарини тикадилар. Ҳар бир растада ўша вилоятнинг ўзига хос меъморчилик услуби, безаклари акс этган бўлади. Бу расталарда халқ ҳунармандчилигининг кулолчилик, заргарлик, зардўзлик, ёғоч ва мис ўймакорлиги каби 14 дан зиёд тури намойиш этилади.

Кўриниб турибдики, ҳар галгидек бу йилги байрам тантаналари ҳам кўтаринки руҳда ўтиши кутилмоқда. Бунинг учун республикамизнинг маданий-маърифий ташкилотлари ўзларининг бутун салоҳиятлари ва имкониятларини сафарбар этганлар.

Бу йил Наврўз арафасида яна бир қувончли хабар келди. 21 март куни Туркия пойтахти Анқарада ўтадиган Наврўз тантаналарида иштирок этиш учун республикамиздан вакиллар қатнашадилар. Узбекистондаги Туркия элчихонасининг таклифига биноан бу тадбирда қатнашиш Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «Ибн Сино» маданият маркази қошида ташкил этилган «Мукаррам» ёшлар фолклор рақс ансамблига насиб этди. Ансамблнинг бадиий раҳбари Узбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Азим Азизовдир. Гуруҳ билан биргаликда Узбекистонлик полвонлар ва спорт усталари ҳам Туркияга йўл оладилар. Оммавий саҳналарда ансамбл қатнашчилари билан бирга Узбекистонда хизмат кўрсатган артист Пулат Носиров ҳамда Раъно Анназарова, Ирода Исломова, Бахтиёр Миртурсунов ва бошқалар қатнашадилар.

Хуллас, Наврўз ўзининг барча шодлик ва қувончлари билан, гўзалликлари ва қувноқ ўйин-кулгилари билан она диёримизга ташриф буюради. Ташрифинг қутлуғ бўлсин, муқаддас НАВРУЗ!

Г. УМАРОВА

ЯШАРИШ ФАСЛИ

Республика Фан ва техника давлат комитети Инновация Кўргазмалар Марказида таниқли мусаввир Ортиқали Қозоқовнинг «Наврўз садолари» мавзуидаги туркум асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазма очилишига бағишланган кечада Фан ва техника давлат қўмитаси раиси Пўлат Ҳабибуллаев, санъатшунос олим Абдулҳай Умаров, адабиётшунос олим Иброҳим Ғофуров, халқ рассоми Раҳим Аҳмедов сўзга чиқиб, рассомни ижодий ютуғи билан қизғин табрикладилар.

Рассом асарларини томоша қилишга келган ҳар бир санъат мухлиси ўзини ўзгача бир олам оғушида ҳис этади. Эшик олдида одамларни кўргазмага чорлаётган карнай-сурнай садолари ва ноғора, базми «Чарос» ансамбли иштирокидаги қўшиқ ва рақслар кишига завқ бағишлайди. Рассомнинг ҳар бир асарида ўзига хос фалсафий фикр мужассам. Тамошабинни фалсафий мушоҳадага чорлашда асарларнинг ҳар бири бир-бирини такрорламаслиги билан ажралиб турди. Айниқса, «Ҳаёт сояси» ва «Севги боғи» картиналари томошабинга катта эстетик руҳ бағишлайди. «Эзгуликка йўл», «Қушиқнинг туғилиши», «Шароб натюрморти», «Ота ва ўғил», «Дилхушлик» «Сароймулкконим», «Оқ саройда», «Келин, «Кеч куз» каби қатор асарлардан баҳраманд бўлган қалб эса рассом маҳорати ва иқтидорига тан бермай иложи йўқ. Кўргазмадаги асарлардан уфуриб турган Наврўз ва баҳор нафаси рассом ижодида ҳам яшариш фасли бошланганидан далолат беради.

Адиба ЎСАРОВА

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси Таргибот маркази Халқаро мукофотлар қўмитаси Наврўз байрами арафасида 1995 йил совринларини қуйидаги ижодкорларга беришни лозим деб топди.

ХАЛҚАРО ҚОШҒАРИЙ МУКОФОТИ

1. Ирфон Анвар Насриддин ўғлига (Туркия), «Чўғдош ўзбек шеъри антологияси», «Чўғдош қирғиз шеъри антологияси», «Чўғдош туркман шеъри антологияси», «Чўғдош уйғур шеъри антологияси» китоблари учун.

2. Раҳмонқул Бердибоевга (Қозоғистон), «Қозоқ эпоси», «Олтин мерос» китоблари учун.

3. Урол Утаев ва Отаёрга (Узбекистон), «Дунёга тенгдош хазина» китоби учун.

ХАЛҚАРО АҲМАД ЯССАВИЙ МУКОФОТИ

1. Нуруллоҳ Ҳожи Абдуллоҳ ўғлига (Узбекистон), «Муборак ҳаж сафари» китоби учун.

2. Олимжон Жўраевга (Узбекистон), «Мажозий дидактик талқинлар», «Гулшан ул-асрор» китоблари учун.

3. Нусратулло Жумаҳўжага (Узбекистон), Ҳувайдо, Баёний, Феруз, Турди ижоди ҳақидаги тадқиқотлари учун.

ХАЛҚАРО ЧУЛПОН МУКОФОТИ

1. Орифхон Одилхонга (Узбекистон), «Тоғлар таронаси» шеърлар китоби учун.

2. Шавкат Раҳмонга (Узбекистон), «Уйғоқ тоғлар» шеърлар китоби учун.

3.Ғаффор Ҳотамга (Узбекистон), «Азал ва абад» қиссаси ва туркум бадиалари учун.

Наим КАРИМОВ

ОЙБЕК ЁҚҚАН МАШЪАЛА

Минг йиллик узбек адабиёти тарихида бирор давр йўкки, у XX аср адабиёти билан узаро баҳсга, муқоясага кириша олсин. Кишилик жамияти ўз тараққиёти тарихида эришган қарийб барча адабий-бадиий ютуқлар бу даврда узбек адабиётининг янада бойиши ва ривожланишига хизмат қилди. Нафақат анъанавий Шарқ адабиёти, балки Ғарб адабиёти эришган бадиий тажриба ҳам узбек адабиётининг XX асрда сифат эътибори билан мутлақо янги адабий босқичга кўтарилиши учун зарур шарт-шароитларни яратди. Энг яхши узбек ёзувчилари, шу жумладан, Ойбек ҳам ана шу шарт-шароитлардан самарали фойдаланди.

Аммо XX аср адабиётининг яна бир муҳим хусусияти шунда эдики, у совет ҳокимияти ва шу ҳокимиятни ҳаракатга келтирган қудратли куч — Коммунистик партиянинг бевосита ғоявий раҳбарлиги ва назорати остида нафас олди. Партия эса ўзи ташаббускор бўлган Октябр инқилобига қадар кечган барча тарихий даврларга қора кўзойнак билан қарашни, Октябрдан кейин совет мамлакатида рўй берган воқеаларни, ҳаттоки, совет халқи устида олиб борилган барча тажрибаларни қуллаб-қувватлаш ва қўкларга кўтаришни талаб этди. У, бир томондан, адабиётимизнинг бадиий жиҳатдан янгиланиши, бойиши ва кенг халқ оммаси ичига кириб боришига мислсиз даражада катта ёрдам берган бўлса, иккинчи томондан, адабиётни пролетар ишининг таркибий бир қисмига, партиянинг ғоявий қуролига айлантириб қўйди.

Ойбек ана шундай тарихий-адабий шароитда ижод қилди.

Ойбек ҳаёт пайтида партия ташкилотларининг тинимсиз дашномо остида яшади. Партиянинг ирода ҳоҳишини ўзида мужассамлантирган шахслар Ойбекни адабиётнинг синфийлик ва партиявийлик машъаллари чорлаб турган қирғоғига олиб боришга уриндилар. Ойбек ўзига нисбатан кўрсатилаётган тазйиқнинг яхши натижа билан тугаслигини бутун вужуди билан ҳис этди. Лекин у, агар бу тазйиққа бўйсунмасин ўзини Абдулла Қодирий ва Чўлпон тақдири кутаётганини ҳам сезди. Унинг партия чизган чизиқдан юрмаслигининг иложи йўқ эди.

Ойбек вафот этгандан кейин, кимдир унинг қандай тарихий-сиёсий даврда ижод қилганини иноватта олмай, кимдир Абдулла Қодирий сингари қирғин қурбонларига кўпроқ ҳурмат бажо келтириш, яна кимдир адабиёт оламига адашиб кириб қолганлиги сабабли, таъна ва маломат тошларини ота бошлади. Бундай шахсларнинг фикрига кўра, «Қутлуғ қон» социалистик реализм методининг намунаси сифатида ҳеч қандай қимматга эга эмас; «Навоий» романида эса тарихий ўтмишни ҳаққоний ифодаланган, деб бўлмайди; «Улкамизда қолмасин дашт-чўл» сингари сатрлари борлиги учун «Бир улкаки...» қўшиғини айтиш гуноҳ орттириш билан баравар... Вазият шу даражага бориб етдики, ҳатто давлат мукофотига, академик унвонига, ҳукумат нишонларига сазовор бўлгани учун марҳум адиб шаънига номуносиб сўзлар ҳам айтилди.

Шубҳасиз, савол туғилади: Ойбек ёзувчи сифатида фақат ижобий фазилатларни элтуви кишими? Унинг XX аср узбек адабиёти тараққиёти тарихидаги ўрни нимадан иборат? Хуллас, унинг адабий хизматлари нимада?..

Бундай саволларга жавоб беришдан аввал яна XX аср узбек адабиётининг манзараларига қайтсак...

XX аср узбек адабиёти бадиий маданиятимиз тарихининг бошқа даврларидан яна шу билан фарқланадики, бу адабий аср бир қанча узига хос ва мураккаб адабий-тарихий босқичлардан таркиб топган. Агар асримиз жадид адабиёти билан бошланган бўлса, Октябр инқилоби рўй бериши билан пролетар адабиёти таваллуд топди; 30-йилларда эса совет ҳокимиятининг оёққа туриши билан социалистик реализм адабиёти майдонга келди. Ниҳоят, Сталин шахсининг фош этилиши ва Хрушчёвча «илиқлик» фаслининг келиши билан 60-йилларда мутлақо янгича «адабий» шабадалар эсиб утди. Аммо бу шундай қисқа давр эдики, ҳатто унинг исми ҳам бўлмади. Ҳолбуки, шу давр адабиётимизга Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов авлодини олиб кирди; Асқад Мухтор шу йилларда шеъриятимизнинг сокин денгизини дафъатан мавжлантириб юборди; Ойбек, Миртемир, Шайхзода ва Зулфия ижоди шу даврда, агар таъбир жойиз бўлса, покланиб ва янгиланиб олди.

Умуман, бу тилга олинган даврларнинг аксари тугалланмай қолган: жадид адабиёти ҳам, пролетар адабиёти ҳам, «илиқлик» даври адабиёти ҳам. Бу даврларнинг тугалланмай қолишига фақат биргина сабаб бор: бу ташқи таъсир, туғроғи, ташқи тазйиқдир. Тўғри, пролетар адабиёти партиянинг зуравонлиги орқасида эмас, балки аввал-бошдан сунъий адабий жараён бўлганлиги сабабли якунланмай қолган.

Ойбекнинг бутун ижоди ана шу тилга олинган барча даврлар оша утади. Жадид адабиёти бағрида тарбияланган Ойбек ўзининг бу адабиётга муносабатини пинҳона бўлса-да, аксар достонлари ва романлари бағрига «сочиб», янгиликка бўлган, маърифатга бўлган жадидона эҳтиросини «Дилбар — давр қизи», «Камончи» сингари «советлашган» достонларида озми-кўпми ифодалаган. Шоирнинг «Ишчига», «Товушим», «ДнепроГЭС» сингари шеърлари ўзбек пролетар адабиётининг ёрқин намуналаридир. «Олтин водийдан шабадалар», «Нур қидириб» сингари насрий полотнолари эса, шак-шубҳасиз, ўзбек социалистик реализм адабиётининг бадиий мулки бўлиб қолади. Шу тарзда Ойбек ўзи яшаган тарихий даврлар билан нафас олибгина қолмай, шу даврлар тақозоси билан у ёки бу асарини ҳам яратган. Яъни у ҳар бир тарихий даврнинг бош ғоясини тушуниш, қабул қилиш ва шу ғояга хизмат қилишдан бош тортмаган, яъни, очиқроқ айтсак, у ўзи яшаган даврдаги ҳукмрон сиёсий кучнинг дастур ул-амали халқ ва ватан манфаатларидан четда, деб ҳеч қачон ўйламаган. У на 20-йиллар, на 30-йиллар, на 50-йиллардаги қирғинни оқлаган. 1936 йили колхоз ҳаётидан роман ёзиш истагида Асакага бориб, жамоа қурилиши билан танишгач, ўз бадиий ниятидан воз кечган. 1943 йили эса уруш майдонларига бориб, ҳарбнинг даҳшатли ҳақиқатини тасвирловчи асарига нисбатан лоқайдликни, ҳатто қаршиликни кўргач, «Қуёш қораймас»ни бутунлай ташлаб қўйган. Хуллас, у ўз виждонига қарши бормаган.

Аммо у партияга, унинг раҳбарларига ишонган, улар амала оширган айрим тадбирларнинг халққа қарши қаратилган булиши мумкинлиги унинг хаёлига ҳам келмаган. Қолаверса, совет ҳокимияти йилларида содир бўлган барча воқеаларни қоралаш, узбек юртининг ҳудди шу даврда барча соҳаларда шаҳдам қадамлар билан олга силжиганидан кўз юмиш, партия олиб борган сиёсатнинг кенг миқёсдаги ижобий самараларини инкор этиш тўғри эмас. Шунинг учун ҳам Ойбекдек улкан санъаткорга тоҳ у қирғоқдан, тоҳ бу қирғоқдан туриб тош отиш манқуртликнинг бир кўриниши сифатида баҳоланиши лозим.

Ойбекнинг ҳам, у яшаган тарихий даврнинг ҳам оқиб утганига анчагина бўлди. Ана шу масофадан туриб Ойбек ижодига ёндошганимизда, у бугун бутун буйбасти билан аниқ гавдаланади-қўяди. У биринчи йирик асари — «Қутлуғ қон»да Октябр арафасидаги жамиятни тубдан узгартириш лозимлигини юксак бадиий образлар орқали кўрсатиб берди. У ғарчанд жадид ҳаракати арбобларининг шу даврдаги ижобий ролини бадиий мужассамлантириш имкониятига эга бўлмаса-да, бу асар замирида ётган ғоя моҳиятан жадидонадир. Жадидларнинг эса асосий мақсади халқнинг кўзини очиш, уни ғафлат уйқусидан уйғотиш, уни икки ёқлама зулмга қарши миллий истиқлол ва тараққиёт учун кураш майдонига олиб чиқиш бўлган. Худди шу мақсад «Қутлуғ қон»нинг қатқатида ётади. Бу романдаги халқнинг икки қатламга ажралиб чиққани ва бу қатламлар ўртасидаги зиддият тарихий ҳақиқат эди. Ойбек совет мафкураси таъсири ва тазйиқи остида бу ҳар иккала қатлам вакиллари тавсифномасини қуюқлаштирган, холос. Петров образи эса асарга унинг истагига қарши, юрагида 37-йил қони оқиб турган кимсаларнинг тазйиқи билан киритилган. Лекин ромонга жалб этилган тарихий даврнинг ҳаққоний мужассамланганига заррача ҳам шубҳаланмаса бўлади.

Ойбек фақат бу романида эмас, балки барча асарларида халқни олга етаклаши мумкин бўлган қаҳрамонни танлаб олди ва шундай қаҳрамонлар образи орқали ўз халқининг шу тарихий даврдаги характерини, моҳиятини, руҳий ва маънавий салоҳиятини ёрқин кўрсатиб берди.

Шуни унутмаслик керакки, А. Қодирий ва Чўлпон романлари тақиқланган бир даврда Ойбек ўзининг икки машҳур асари билан узбек романнавислиги мактабининг бадиий-эстетик тизимини белгилаб берди ва бу мактаб яқин-яқингача унинг буржи остида камол топиб келди. Адиб романларига асос бўлган ва кейинчалик узбек романнавислиги мактабининг бадиий-эстетик тизимини белгилаб берган мезонлар эса халқни эзгулик ва ижтимоий тараққиёт сари етакловчи шахсни бош қаҳрамон қилиб танлаш, халқ ва мамлакат тақдири учун муҳим бўлган тарихий даврга мурожаат этиш, қаҳрамон билан халқ оммасининг ўзаро чамбарчас алоқасини кўрсатиш, китобхон онги ва шуурида ҳақиқат, адолат, маърифат, муҳаббат, иймон ва эътиқод чироғини ёқиш эди. У ана шундай улуғ мақсадни амалга оширишга шунчаки киришибгина қолмай, ҳар бир сатридан нафосат офтоби порлаб турган, ғўзал, шоирона тилни ҳам яратди, қаҳрамонлар портрети ва табиат манзаралари тасвирида А. Қодирий ва Чўлпон анъаналарини давом эттириб, уни янги бир юксакликка олиб чиқди.

Ойбекнинг яна бир улуғ хизмати шундаки, у 20-йилларнинг сўнгида, адабиёт оламида раапчи ва узаапчиларнинг сузи суз бўлиб турган, нафақат Пушкин, балки ҳазрат Навоий ҳам замона «бўрт»идан улоқтирилаётган даврда улуғ узбек шоири ва у яшаган даврга мурожаат этиб, унинг ҳаёти ва ижодини, уни вужудга келтирган темурийлар даврини адабиётшунос ва тарихчи олим сифатида мукаммал ўрганиб чиқди. 30-йилларнинг ўрталаридаёқ узбек адабиётшунослигида биринчи бўлиб Навоийга бағишланган туркум мақолаларни яратди. У ушбу иши билан навоийшунослик илмига тамал тошини қўйди ҳамда дастлаб шоир, кейин носир сифатида Навоий образини бутун салобати билан бадиий мужассамлантирди. Ойбек «Навоий» романи билан ўзбек тарихий-биографик романига асос солди; бундан беш ярим аср бурун ўтган буюк шоир ва мутафаккирни ҳар бир ўзбек хонадонига, ҳар бир ўзбек китобхони қалбига тирик инсондек олиб кирди. Хорижий дунё замонавий ўзбек адабиёти билан Ойбекнинг ана шу асари орқали илк бор танишди. Ана шу Навоий, Ойбек нигоҳи ва қалби оша жонланган Навоий, узбек халқининг миллий ифтихори ва севимли фарзандига айланди. Ойбек Навоий образини турли қисса ва достонларида тасвирлашда давом этиб, ўз навоийномасини яратди. Ва бу асарларида халқимизга қибланома бўлиб хизмат этуви буюк инсонпарварлик ғояларини олга сурди.

Афсуски, бизда адабиётимизнинг ҳатто шоҳ асарларини қайта ўқиш маданияти шакилланмаган. Агар ана шу эринчоқлик одатимиз бўлмаганида, айниқса «Навоий» романида бугунги ижтимоий ва маънавий ҳаётимиз учун айниқса муҳим бўлган ғоячиларни, мутафаккир Ойбек дунёқарашининг ҳикматомуз томонларини кўрган ва бундан ҳайратга тушган бўлардик.

Ойбек аввало шоир эди. У табиатан туғма шоир бўлган. Ойбекнинг 20-30-йиллардаги лирик асарларига ва 60-йиллардаги шеъриятига назар ташласак, унинг шеърият табиатини ғоят тўғри тушунганини, шеърият унинг учун туйғу ва фикрнинг мусаффо шаҳ-лосидан пайдо бўлувчи муъжиза бўлганлигини кўрамиз. Совет даврида ижод қилган ҳатто Ғафур Ғуломдек буюк шоирларнинг шеърий бисотлари ҳам тарих ғалвиридан тўкилиб бораётган ҳозирги даврда Ойбек, ҳеч нарсага қарамай, ўз қалбининг биллур зараларини аксар шеърий асарларига сочиб юборган эди. Шунинг учун бу асарлар бугун ҳам ўзининг баҳорий уфорини таратиб турибди.

Бугунги узбек адабиёти янги тарихий шароитнинг метин қояларига урилиб, гранит соҳилга ҳамла қилган дарё тўлқинларидек, парчаланиб турибди. Ана шундай даврда адабиётимиз дарғалари ҳам, ёшлар ҳам ўз «кема»ларини тарк этмай, Ойбек сингари устозлари тажрибасидан сабоқ олишлари зарур. Ҳалқнинг маънавиятини тарбияловчи адабиётнинг сунишига йўл қўймай, «Замонлар ўтади, лекин халқ ва унинг маданияти ривожланишда давом этади», деган ишонч билан ижод қилишлари зарур. Зеро, ижод ҳамиша фидокор ва фидойи кишиларнинг бирдан-бир яшаш майдонлари бўлган.

Ойбек ўзининг шеърий, насрий ва илмий ижоди билангина эмас, айни пайтда таржимонлик фаолияти билан ҳам адабиётимиз хазинасини бойитди. Унинг йигирма жилдни ташкил этган меросида нафақат XX аср узбек адабиётининг камолотига улкан ҳисса бўлиб қўшилган, балки адабиётимизнинг кейинги тараққиётига ҳам йўл очувчи шеърий ва насрий дурдоналари оз эмас. Биз Горбачёв ҳадя этган плюрализмнинг салбий оқаваларидан қутулиб, XX аср узбек адабиётининг Ойбек сингари чўққилари ижодини янгиқ тафаккур асосида ўрганиш, уларнинг адабиётимиз тараққиётига қўшган бебаҳо ҳиссаларини холисона кўрсатиб беришимиз лозим.

Қутлаймиз!

ТАКРОРЛАНМАС РАНГЛАР ОҲАНГИ

Узбек халқ рассоми, профессор Малик Набиев узбек диёрининг меҳнаткаш халқини, унинг бой тарихи ва буюк сиймолари образларини ўзига хос талқин эта олган атоқли муйқалам соҳибларидандир.

«Ҳаётда ўз қўшиғини топа олган, уни қайтарилмас оҳангда кўпчиликка манзур қилиб қўйлай олган санъаткорни бахтли деса бўлади», — деб таъкидлаган эди таниқли рассом Урол Тансиқбоев. Малик Набиев Тансиқбоев таъкидлаганидек, нафақат ўз қўшиғини тополди. Балки бахтга эришди, устоз санъаткор даражасига кўтарилди. Тажрибали педагог, санъатни ўзгартиш борасида услубиятчи олим сифатида ҳам танилди.

Тасвирий санъатга умр бўйи мафтун бўлиб келаётган рангтасвирчи рассом Малик Набиев 1916 йили Тошкент шаҳрида, махсидўз ҳунарманд оиласида таваллуд топган. Тасвирий санъатнинг илк сабоқларини дастлаб ўз акасидан, кейин рассом Баҳром Ҳамадийдан олгач, устозининг маслаҳати билан рассомлик билим юртига ўқишга киради. 1937 йили билим юртини имтиёзли диплом билан тугатиб шу ерда ўқитувчи бўлиб ишлай бошлайди. Ана ўша йиллардан унинг санъатдаги мустақил ижодий йўли бошланди. 1938 йили Рассомлар уюшмасига аъзо бўлади. Мусаввир уруш йилларида профессор Михаил Федорович Шемякин раҳбарлигида тасвирий санъат сирларини янада чуқурроқ урганишга ҳаракат қилди. Урушнинг оғир йилларида ижодини уруш ортидаги ҳаётни тасвирловчи картиналар яратишга йўналтирди.

Ёшлигидан тарихий мавзуларга қизиққан мусаввир вақт ўтиши билан дастлаб тарихий кичик композициялар, кейин катта-катта асарлар устида ишлади. 1972 йили у яратган хоразмлик буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний портрети рангтасвирда ҳар жиҳатдан мукаммал ишланган. Беруний образи Малик Набиевнинг узоқ вақт машаққатли ижодий меҳнати, олим яшаган даврни урганиши ва у яшаган жойларда бўлиши портретнинг бир неча эскизлари ва рангламаларини ишлаши натижасида юзага келган.

Буюк шоир, адиб, давлат арбоби Заҳириддин Бобур образи мусаввирнинг улкан ютуқларидан яна биридир. Рассом Афғонистон, Ҳиндистон ва бошқа бир қанча хорижий мамлакатларда бўлди, Бобур бўлган жойларни ўз кўзи билан кўрди.

Бобур портретидаги турли хил буеқларда ҳосил бўлган тўйғулар уйғунлиги томошабиннинг бутун борлиғини қамраб олади.

Тарихий шахслар портрети борасида узоқ йиллар давомидаги ижодий тажриба, билим ва малакалар эвазига юзага келган Амир Темур портретида такрорланмас образни кўрамиз. Санъат ихлосмандлари эътиборини ўзига жалб қилган бу портретда Соҳибқирон саркарда қиёфасида гавдалантирилган. Бошига олтин тож кийган Темурнинг нигоҳи бир нуқтага қаратилган бўлиб, жиддий ҳаёл оғушида эканлиги чап қовоғи бироз кўтарилиб, қоши тепага чимирилганидан сезилиб туради. Юз қиёфаси асосан бўғдойранг туслар орқали тасвирланган. Пешона, юз қисмдаги чизиқлар, шунингдек, бурун, лаб, қулоқ, соқол-мўйловларнинг ҳолати Темурнинг нуронийлигини кўрсатса-да, унинг ҳали тетик ва бақувват экани яқ-қол сезилиб туради. Айниқса, бу ҳолат юзда кўзга ташланаётган пишиқлик, чайирликда аниқроқ кўринади. Жиддий фикр ва хаёл билан бандлиги Соҳибқиронни янада салобатли қилиб кўрсатади. Елкадор қўллари эса бамайлихотир қиличга таянган ҳолда тасвирланган. Қўл бармоқлари шундай характерли тасвирланганки, улар Соҳибқиронинг машаққатли жангу жадаллардан мардонавор ўтганини тасдиқлаб турибди. Шарқона безатилган шоҳ саройининг бир бўлаги, деразадан Самарқанд шаҳри манзараси кўринади. Девордаги фонда нақшин безаклар, Соҳибқирон утирган салтанат курсисининг бадиий бойлиги, шунингдек, Амир Темур эгнидаги либосларнинг бой кўриниши томошабиннинг замон ҳақида тўлиқроқ тушунчага эга бўлишига ёрдам беради. Умуман, мусаввир Амир Темур образини тасвирлаш борасида катта муваффақиятни қўлга киритди.

Кези келганда бир воқеани айтиб утиш жоиз деб ўйлаймиз. 1993 йил июнида устоз рассом ҳаёти давомида меҳнат қилиб келган Низомий номидаги Педагогика институтининг бадиий-графика факултетида катта ёнғин юз берди. Энг хавфлиси шунда эдики, устознинг шу бинодаги ижодхонасида «Соҳибқирон Темур», «Мирзо Бобур» каби шоҳ асарлари сақланаётган эди. Қарангки, фақатгина шу асарлар турган хона ёнғиндан мутлақ зарар кўрмаган. Бу ҳам буёк алломалар руҳларининг кучи, мадади бўлса ажаб эмас!

Рассом Амир Темур образига қайта-қайта мурожаат қилади. Унинг яна бир асарида юзларидан нур ва самимийлик балқиб турган оқ салладаги Амир Темурни кўрамиз. Буюк Соҳибқиронинг куч-қудрати, ўз душманлари устидан эришган мардонавор ғалабалари рассом ижодидан кенг ўрин олмоқда.

— Умуман, — дейди Малик Набиев, — Амир Темур мавзуи битмас-туганмас илҳом манбаидир. Бу борада кўплаб рассомлар ижод қилиши, изланиши керак.

Малик Набиев ҳеч қачон ютуқларидан қониқмайди, ҳамиша янгилик сари интилади. Тарихий мавзуда фақат портретлар яратиб қолмасдан, балки тарихий, кенг воқеаларни мужассамлаштирган, халқ қаҳрамонларининг жанглари билан боғлиқ бўлган полотнолар ҳам яратган. Ана шундай асарлардан бири Искандар Зулқарнайнга қарши жанг қилган суғдийларнинг қаҳрамони Спитамен ҳақидадир. «Спитамен қўзғолони» асарида важоҳатли жанг воқеасининг акс эттирилиши томошабинни ўзига жалб қилади.

Шунга ўхшаш «XVII асрдаги Самарқандда ҳунармандлар қўзғолони», «Жиззахдаги 16 йилги қўзғолон» деб номланган картиналари ҳам эътиборга молик, «Муқаннанинг арабларга қарши қўзғолони» асари эса алоҳида диққатга сазовордир.

Рассом ижодини кузатар экансиз, узингизни чинакам муъжизага дуч келгандек ҳис этасиз. Малик Набиев кишиларга бахт ва ғўзаллик улашишни севади. Бу ҳол, айниқса, замондошларимизнинг меҳнат фаолияти, ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи картиналарида яққол кўринади. Жумладан, «Сут соғувчи Мунаввара Исҳоқова» портретида меҳнатда тобланган оддий узбек аёлининг камтарин меҳнати лавҳаси жўшқин акс эттирилган. Нозик ва тафтли ранглар мажмуи сут соғувчининг ички дунёсини янада ойдинлаштиради. «Мустақиллик даврининг навқирон авлодига жуда-жуда ҳавасим келади, — дейди рассом. Буларнинг келажаги уйғониш даврига ўхшайди». «Уқувчи портрети»да соф, беғубор уқувчи образини, ёқимли характерини жозибадор ранглар орқали тасвирлайди. Бу портрет ҳақида тўлқинланиб гапирар экан, таниқли санъатшунос Н. Абдуллаев: «Узбек тасвирий санъатида болалар образини катта маҳорат билан ифодалай олган санъат намуналаридан бири», — деб таъкидлайди.

80 ёшни қаршилаётган устоз рассом чарчаш нималигини билмайди. Гоҳида талабаларга қизиқарли маърузалар ўқийди, гоҳида маҳоратини ишга солиб, ёшларга буёқ ишлатиш йўлларини ургатади. У билан мулоқотга келган одам, хурсанд бўлиб кетади. Чунки атоқли мусаввиримиз қалбида самимият, илтифот, камтаринлик мужассам.

Норсаид ОЙДИНОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти докторанти

Суратда: рассомнинг «Амир Темур» асари.

НАВРЎЗИ ХУШНАСИМ ТОЛИ МАРЖОННИНГ

Боши биринчи бетда

Лебап вилояти ҳокими уринбосари Р. Отаев туркманистонлик меҳмонлар номидан айтган табригида нафақат сув оладиган дарёлари, айни пайтда, маънавият дарёлари ҳам ягона бўлган икки халқнинг маданий ва иқтисодий тараққиётини янги босқичга киргани ва улар катта истиқбол сари собит турганликлари, мустақиллик йўлини барқарор этаётганликлари хусусида сўзлади. Шундан сўнг таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Матёқуб Қўшжонов сўз олди. Узбек ва туркман халқлари адабий алоқаларининг теран томирлари, Берди Кербобоеву Хидир Деряевларнинг Ойбегу Абдулла Қаҳҳор сингари забардаст адиблар билан ижодий дўстлиги, устозу шогирдлик муносабатлари ҳақида тўлқинланиб сўзлаган Матёқуб ака халқларимизнинг эзгу удумларини улуғлаб, Навруз айёмини биргаликда байрам қилишнинг ташаббускорлари бўлган қашқадарёлик ва лебаплик элпарвар раҳбарларга адабиёт ва санъат намояндаларининг миннатдорчиликларини изҳор этди.

Стадион ўртасида тикланган кенг саҳнада ҳар икки вилоятнинг таниқли ижрочилари, ижодкорлари, раққоса ва қизиқчилари ўз санъатларини намойиш этишди. Узбек ва туркман раққосаларининг хироми, ҳофизларнинг дўстлик ва муҳаббатни, Наврўзни мадҳ этувчи қўшиқлари кўнгилларни шод этди. Алишер Навоий ва Мақтумқулининг ўлмас шеърлари янгради. Узбеклар ва туркманларнинг мумтоз қўшиқлари Жайҳун сувини Қарши чўлига кўтариб бераётган насос станциялари, улкан каналлар, Толимаржон сув омборининг мовий тўлқинлари, майсалар гиламдек тўшалган қир-адирлар узра таралди.

Таниқли санъаткор Тожиддин Муродов, қўшиқлар танлови голиби Азамат Шарипов, Лебап вилоятидаги Гаурдаг шаҳар «Навруз» ансамбли, унинг хушовоз хонандаси Ўрзигул Ҳимаматова ва бошқа ижрочилар куйлаган қўшиқлар, Тошкентдан ташриф буюрган қизиқчи Толиб Ҳожиевнинг ичакузди ҳангомалари Навруз шодиёнасига ажойиб шукуҳ бағишлади.

Шу куни қирлик бағридаги қўша-қўша утовларда Навруз тантаналари кечгача давом этди. Дўстлар истиқболига катта дастурхонлар ёзилиб, Навруз таомлари тортилди. Ягона она Ватан — қадим Туркистоннинг азалий қардош халқлари бирлиги учун, ота-боболардан мерос улуғ дўстликни эъзозлаш учун, Туркистонни, агар зарур бўлса, ёвуз кўзлардан, ҳасадгўйларнинг қутқуларидан биргаликда муҳофаза этиш учун қўлни қўлга бериб, бир тан, бир жон бўлайлик деган эзгу каломлар, дил сўзлари айтилди. Дўстлар бир-бирларининг дийдорларига тўйдилар, кўнгиллари тоғ қадарли кўтарилди, меҳр-муҳаббатга ошно дилларию чеҳралари гул-гул очилди.

Менинг назаримда шу куни кўҳна Жайҳун ва ундан сув олувчи Қарши бош канали фақат обиҳаётдан эмас, обиҳаёт қадарли тансиқ бўлган халқларимизнинг меҳр-муҳаббат туйғуларидан ҳам тўлиб оққандай бўлди.

Асрлар бўйи оққан дарёлар сувга-меҳрга тўлиб оқаверади.

М. АБДУЛЛАЕВ

БОҚИЙ САНЪАТ

Кейинги вақтларда амалий санъатга, хусусан, ёғоч ўймакорлигига бўлган талаб ва эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Буни Узбекистоннинг барча вилоятларида қурилаётган меъморчилик иншоотларининг кўпчилигини ёғоч ўймакорлик санъати намуналари безаб турганидан ҳам билса бўлади. Лекин шуни айтиш керакки, ёғочдан том маънода санъат асари бунёд этиш осон иш эмас. Бунинг учун кишида дид,қунт,муҳими, истеъдод бўлиши лозим.

Наманганлик Неъматжон Абдуллаев ана шундай фазилатга эга усталар сирасига киради.

Неъматжон ака 1949 йили Наманган шаҳрида уста хонадонида дунёга келди. Ёғочга ишлов бериш сирларини меҳрибон устози, отаси Муйиддинжон акадан ўрганди. Албатта, ҳар бир уста ижодида, аввало, ўзи туғилиб яшаётган жойга хос услуб ва анъаналар яққол акс этиб туради. Бироқ шу билан бирга, ҳақиқий санъаткор буламан, деган одам бошқа илғор услубларни ҳам ўрганиб, ижодини бойитиб боради. Шунинг учун Наманганга хос бўлган ва ўзида «бодом гули», «қалампир гули», «пахта гули» ислимларини жо қилган Фарғона услубининг жозибадорлигини ошириш мақсадида Неъматжон ака ишларида «боғдоди» ва «ироқи» ислимий услубларни ҳам қўллаб келмоқда.



Уста яратган нақшиндор эшик ва устунлар Наманган шаҳар Мингчинор даҳасида жойлашган Темирйўлчилар оромгоҳи, Нодира номидаги вилоят кутубхонаси, Учқўрғон туманидаги санаторий, «Қўғай» давлат хўжалиги биноси ва шу каби кўплаб биноларга кўрк бағишлаб турибди.

Айниқса, Наманган шаҳрида барпо этилган Бобораҳим Машраб хиёбонига ишланган жимжимадор устунлар Неъматжон ака миллий ёғоч ўймакорлик санъати анъаналарини давом эттираётганидан далолатдир.

Уста Неъматжон акани нафақат Наманганда, балки республикамиздан ташқарида ҳам яхши биладилар. Жумладан, Москва шаҳридаги «Наманган» ресторанига ишланган нақшбанд эшиклар, Японияга юборилган эшик ва устунлар уста маҳоратининг гўзал намуналаридир.

Устанинг меҳнати яна шуниси билан қадрлики, у кўпи қарийб 25 йилдан бўён Наманган шаҳар болалар санъат саройида ўқувчи ёшларга ёғоч ўймакорлиги билан бир қаторда, амалий санъатнинг бошқа турларидан ҳам сабоқ бериб келмоқдалар. «Бодом гули», «ироқи», «боғдоди» услубларида ишланган ҳар хил ёғоч қутичалар, лавҳалар, турли саналарга бағишланган мавзули паннолар, гуллар билан безатилган, бежирим ошхона жиҳозлари, стол ва стулчалар, эшик ва жавон макетлари устанинг шогирдларига берган сабоқлари маҳсули сифатида кўплаб кўргазмалар залларини безаб турибди.

Ботир ЖАББОРОВ

Телевидение

ЖОНЛАНИШ БОР, АММО...

Янгиликка интилишми ё томошабинларнинг талабларини инобатга олишми, ҳар қалай, кейинги пайтларда теледастурларда бироз жонланиш сезилмоқда. Гарчанд, мақтовга ҳали эрта бўлса-да, ТВ-2 кўрсатувлари ҳақида илиқ гапларни айтиш мумкин. Дастурнинг янги кўрсатувлар билан бойитилгани, имкон чўққиларига йўл изланаётгани кўриниб турибди. Тарбиявий-маърифий аҳамиятга эга бўлган «Эртак», «Ривоят», «Олам», «Имкон чўққилари» каби қатор кўрсатувлар томошабинни маънавий озиқлаштириш йўлидаги илк қадамлардир. Бу каби ижобий узгаришлар томошабинни қувонтиради, албатта. Аммо ютуқлар баробарида камчиликлар ҳам учрайдики, улар ҳақида фикр билдириш фақат яхшилик учун хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

«Узбекистон ахбороти» энг оммабоп кўрсатувлардан бири. «Ахборот»ни кўпчилик кўради ва эшитади. Бинобарин, ундаги ахборотлар янгилиги, ҳозиржавоблиги билан ажралиб туриши, қуруқ қайдлардан, кўрсаткич ва рақамлардан иборат бўлиб қолмаслиги керак.

Тўғриси, бундай ҳолатни бошқа баъзи кўрсатувларда ҳам, хусусан, ҳар куни эфирга узатиладиган «Ассалом, Узбекистон», тонгги дам олиш дастурида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, «Тонгги хабарлар»да эълон қилинаётган хабарлар кўпинча аввалдан ҳаммага маълум ахборотлар бўлиб қолмоқда.

«Кино, кино, кино» номли кўрсатувда ҳам жонланиш бор. Қўйилаётган масалалар томошабинни қизиқтиради, фикр уйғотади. Бироқ бадиий филмларнинг кўплари мустақиллик руҳига ва халқимизнинг миллий қадриятларига мос келмайди. Фикримизча, янгича тафаккур, янгича руҳ билан камол топаётган авлод учун бегона туйғулар, бегона қарашларни талқин этувчи, миллийликдан йироқ филмлар зарур эмас.

Кейинги пайтларда «Ҳумо», «Миллат», «Ватанни севмоқ иймондандир» каби қатор муаллифлик кўрсатувлари экран юзини кўрди. Қувонарли томони шундаки, уларни ўз сўзига, мустақил фикрига эга бўлган ижодкорлар олиб боришмоқда. Бундай кўрсатувлардан умидимиз катта. Фақат айтиш жоизки, олиб борувчи, бошловчининг сухандонлиги, нутқ маҳорати, ифода маданияти кўп нарсага боғлиқ. Тил оҳангдорлигига ортиқча урғу бериш ёинки сўзлар қатидаги ифода маъноларини илғамаслик кўрсатув таъсирчанлигига путур етказади.

Муаллифлик кўрсатувлари ичида Дилшод Шамснинг «Кунгил» кўрсатуви кўнгилга таскин берганлиги билан ажралиб туради. Зеро, кўнгил инсоннинг бебаҳо мулки, инсоннинг эътиқод йўлидаги шамчироғи. Шунинг учун ҳам бу кўрсатувда ҳар бир томошабин ўз кўнглига яқин бўлган сўзни эшиттиси, кўнгил мулкини бойиттиси келади. Аммо кейинги вақтларда бу кўрсатувда ҳам жимжимадор сўзлар уюми, ўринсиз ташбеҳлар кўпроқ учрамоқда.

«Юзма-юз», «Ташриф», «Тасвир», «Муъжиза», «Таманно», «Олам ва одам» каби кўрсатувларни теледастурдаги янгиланиш деб баҳолаш мумкин. Аммо «Кимга қанақа?», «Салом, ёшлар» каби кўрсатувлар қатида чучмал, саёз саҳифалар ҳам борки, улар ёшларга на маърифий, на маънавий озуқа бера олади. Томошабинга тақдим этилаётган кўрсатув қандай мазмунда бўлишидан қатъий назар, аввало, миллий мафкурамиз, миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизни тарғиб қилишга хизмат қилиши лозим.

Шу ўринда теледастурлар ичига жойлаштирилаётган реклама ва эълонлар хусусида ҳам бир-икки оғиз сўз айтишни лозим топдик. Чунки энг яхши кўрсатувлар кетаётганда бериладиган айрим рекламалар ошдан чиққан тошдек асабингизга тегади. Шундайлардан бири « Саратон» сигаретаси тарғиби билан боғлиқ. Тўғриси,бу реклама энг ашаддий чекувчининг ҳам ғашини келтирса керак. Қуёш нурини, Яратган меҳрини дариг тутмаган жаннатий еримиз, меҳнаткаш халқимиз ҳақидаги шоирона гаплардан кейин тоғлар ортидан бобо қуёшдек кўтарилиб чиқаётган «Саратон» сигаретаси қутисини кўрибоқ пешонангиз тиришади. «Саратон» — ҳақиқий шарқона лаззат» деган сўзлар эса чучмалликнинг ноёб намунаси билан баробар. Наҳотки, Шарқда, ер юзининг ҳақиқий жаннати бўлган Узбекистонимизда «ҳақиқий шарқона лаззатни» берадиган, реклама қилишга арзигулик бошқа бирон нарса топилмаган бўлса?! Умуман, нега энди кашандаликка қарши бутун дунё бўйлаб қизғин кураш кетаётган бир пайтда, бизнинг миллий дастурларимизда сигареталарни тарғиб қилишимиз керак. Мақсадимиз телевидение ходимларини танқид қилиш эмас, аксинча, улар билан ҳамфикр бўлиш, ҳамкорлик қилиш ва қўлимиздан келганича ёрдам бериш.

Темир ҚУРБОН



Ғайрат АБДУЛҲАМИД

ФАЛАКНИНГ ҚУЙИЛАДИ ЛОЖУВАРД

КИПРИКЛАР ЭРТАГИ

Абадий Қуёш Кўк кўксида,
Фалакнинг кўйлаги ложувард —
Висол манзараси абадий.

Тўрт фасл зангори, замин ҳам—
Сарғайган бир гиёҳ кўринмас —
Ҳижронни унутган бу дунё..

Тараҳҳум айлагай қалдирғоч
Бахтиёр булбулнинг қуйига,
Заҳчалар бош олиб кетишган...

Бойқушлар уймаслар қабоғин,
Ғийбатни ташлаган қирққанот,
Чумчуқлар чақимчи эмаслар...

Чеҳралар ёқимли тонг каби,
Каломлар шип-ширин бол каби,
Тақдирлар туташ иқбол каби...

Дафъатан ... субҳнинг шарпаси...
Тўрларин кўтарди киприклар...
Чиқ-чиқ-чиқ...

***

Туш ҳақда туш кўрдим тушиб
Тундан, тонгни нарвон этиб.
Супургиси супургуси
Тонгнинг, сочи тўзғиб кетиб...

Ҳайронадир қалбим: зар соч
Ёт эди-ку кошонамга...
Уфқ, Қуёшни уйғот —зар соч,
Ёт энди, Туш, пешонамга!..



Юсуф ХУДОЙҚУЛ

ҲОВУЧИНДА ДОВУЧА...

Чинни гулим, чинни гулим,
Сенга тушди менинг йўлим.
Сен билмадинг, мен билмадим,
Баргинг тилим, бағрим тилим.

Яшил гилам, тошар булоқ,
О, ташнаман, дилим қақроқ,
Интиламан, интиласан,
Бунча узоқ тошган булоқ.

Ловиллайди қизғиш ёллар,
Нигоҳларим ўтин қалар,
Ўт ичида мунғайганча
Мурғаккина новда қолар.

Орзуларим жабдуқсиз от,
Олиб қочар мени, ҳайҳот!
Қир ошаман, қир ошасан
Менинг билан сен ҳам бот-бот.

Чинни гулим, чинни гулим,
Сенга тушди менинг йўлим.
Сен билмадинг, мен билмадим,
Баргинг тилим, бағрим тилим.

Олим УСМОНОВ

ҲАЙ ЯШАБМАН ДА ЧЕҲРАГИНИ

БАҲОР ... МАНЗАРА

Ниқобини олди чеҳрадан,
Лол қолмишдир олам сеҳридан,
Фироғидан, мангу меҳридан
Гулл-гул, гулл-гул.

Ногоҳ кўриб, бўлиб беҳуд,
Минқоридан чиқиб ўт, дуд,
Чекди минг хил пола, суруд
Булл-бул, булл-бул.

Тош қотганда сеҳридан эл,
Пистирмадан чиқиб мисли сел,
Ифорини олиб қочди ел
Дулл-дул, дулл-дул.

Шўх болари бўлиб огоҳ,
Ҳовлиққанча келди погоҳ,
Бол ° хазина бунча оҳ, оҳ,
Мўлл-мўл, мўлл-мўл.

Ниқобини олди чеҳрадан
Гул...

***

Тупроғим ичига кўмилган тиллом,
Тангри туҳфа этган энг улуғ инъом.
Алвон сандиқчада асраган дунём —
ИШҚ! ИШҚ! ИШҚ!

Сен тошни ярқироқ гавҳар этурсан,
Кимёсан, тупроқдан ҳам зар этурсан,
Диллари оловли дафтар этурсан,
ИШҚ! ИШҚ! ИШҚ!

Сенсиз зулумотдир кундуз чоғи ҳам,
Сенсиз бефайз эрур Эрам боғи ҳам,
Сен-ла тотли эрур ҳатто оғу ҳам,
ИШҚ! ИШҚ! ИШҚ!



Гўзал МАТЁҚУБОВА

ЙЎЛИНГДА ГЎЛЛАЙМАН...

Интиқлик

Йўлингда гуллайдир Гўзал — хуш
Юрак чандиғини чўқиган, эй, қуш,
Кел, мени тарк этди ақл-хуш,
Келақол, кафтимга ўзинг туш.

Оҳ, десанг минг оҳлар ёнгуси,
Шаҳзодлар ва моҳлар ёнгуси,
Мавлудинг, охиринг ёнгуси,
Келақол, авзойи сар хомуш.

Гулларман бир куни гулнорий
Гуноҳдай тўкилган, дилзорим,
Қизиғай даҳридун бозори,
Келақол, матлаби мансур қуш.

Мушриклар унутар қўйларин,
Номансуб этурлар ўйларин,
Ризвонлар таратур бўйларин,
Келақол, қўнглимга манзур қуш.

Қўлингда гулларман бир куни...

***

Мен оғзимдан гуллаб қўйдим
Ўриклардан бир лаҳза олдин,
Нафис гулда ҳасад уйғотдим.
Юрагимга илдизлар отди,
Кўзларимдан сув ичган гуллар
Ифор тарар солиҳ дилларга.
Куним, умрим ўтар сув қуйиб
Оғзимда очилган гулларга.

***

Тун — бувим
Эртаклар сўйлайди узундан узун...
Тун — синглим
Ҳадеб тергайвераман ўзимдан ўзим...
Тун — отам
Суйиб пешонамни силайди бардам...
Тун — онам
Кўксига бош қўйсам ухлайман ҳар дам...

Тадқиқот, ахборот

ШОИРНИНГ ТАХАЛЛУСИ МУЖРИММИ Ё ОБИД?

XVIII аср охири — XIX аср бошларида Бухоро хонлиги Урта Осиёдаги майда феодал мулкларни бирлаштириш асосида юзага келган Қўқон ва Хева хонликлари орасида ўзига хос мавқега эга эди. Мужрим—Обид ана шу даврда яшаган. У Бухоро адабий муҳитининг йирик шоири эди.

Узбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида Мужрим—Обид қаламига мансуб турт қўлёзма девон мавжуд.

Марҳум адабиётшунос олим Рустам Комилов ана шу девонларни ўрганиб чиқиб, 1960 йили Мужрим—Обиднинг мўъжаз бир тўпламини чоп эттирган эди. Бу тўпламда шоирнинг бор йўғи 47 ғазали, 1 ҳасби ҳоли, 1 қитъаси, 3 рубоийси ва Алишер Навоий ғазалларига боғлаган 3 мухаммаси ўрин олган. Р. Комилов Мужрим—Обид девонларининг «иккитаси шоирнинг ўзи томонидан ёзилган таржимаи ҳол билан бошланади», деб маълумот беради. Аслида бу икки девон таржимаи ҳол билан эмас, балки махсус дебоча билан бошланади. Қиёс шуни кўрсатдики, 1798-рақамли девон дебочаси 3798-рақамли девонда айнан такрорланган. Шу муқаддимада шоирнинг ҳаёт йўли ҳақида сўз юритилади. Р. Комилов тўғри қайд этганидек, Мужрим—Обид адабий мероси, ҳаётини ўрганиш учун бу девонлар, хусусан, улардаги дебоча асосий манбаъ ҳисобланади. Шуни ҳам айтиш лозимки, ҳали бу йирик шоир меросининг катта қисми замонавий алифбода нашр этилмаган, етарли даражада тадқиқ қилинмаган.

Р. Комилов, В. Абдуллаев, М. Абдурахмонов, Ё. Исҳоқов, С. Олим, Р. Воҳидов илмий ишларидагина шоир ҳаёти ва ижоди қисман ўрганилган, холос.

Мужрим—Обид икки тахаллусли шоир. Биз, бу ерда Мужрим—Обид тахаллусларининг келиб чиқиши, яъни танланиш тарихи ҳақида сўз юритамиз.

«Мужрим» изоҳли луғатларда «гуноҳкор», «айбли», «жарима қилинган» деган маъноларни билдиради. Шоир бир ғазалида шундай ёзади:

Ёзуқни ёдингга сол-у, йиғла али ул-давом,
Мужрим гуноҳ аксар-у, лекин савоб оқил.

Мужрим—Обид суфий шоир ҳам. Унинг кўп шеърларида ҳасбиҳолона оҳанглар билан бирга тасаввуфона ғоялар тарғибини ҳам кўрамиз. Шоир асарларида дард кўп, Оллоҳга етишиш йўлидаги иштиёқ кучли. Буни профессор Раҳим Воҳидов алоҳида таъкидлайди. Олим шоир ижодининг адабиётимиз тарихида тутган ўрни ва унинг тасаввуфга алоқаси ҳақида гапириб: «Ҳазрат хожа Баҳоуддин Нақшбанд ватанида истиқомат қилган, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Хожа Азизони Ромитаний, Хожа Ориф Моҳитобон, Хожа Дарзийларнинг меросхўри бўлган шоир бундай тарихий-фалсафий ҳаракатдан четда қолиши мумкин эмас», — дея кўрсатади ва яна ёзадики: «Шоир ўз хоҳиш-иродаси билан қабул қилган дастлабки тахаллуси (Мужрим — Ғ.Э.) ҳам маърифий-тасаввуфий йўналишга ижодининг аввалги қадамларидаёқ қизиқиши катта бўлганидан огоҳлик беради».

Мужрим—Обид бир ғазали мақтаъсида шундай ёзади:

Бағримга барқ тушти, жону таним туташди,
Исён бошимдан ошди, Мужрим деб от қилдим.

Демак, «Мужрим» — «гуноҳкор» дегани бўлса, унинг маърифий-тасаввуфий йўналишга таяниб қўйилган тахаллус эканига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Обид — «ибодат қилувчи» тахаллусининг қўйилиш сабаби эса дебочаларда аниқ кўрсатилган. уларда ёзилишича, «Шоҳмурод (Маъсум Ғози)нинг ўлимидан кейин, унинг ўғли Саид Султон Мир Ҳайдар амир ул-муъминин... анда барқарор бўлуб, мезони адолатда, фуқаропарварликда яктои офоқ бўлди. Филжумла ғубору малол миръоти фуқародин муртафиъ бўлди. Анинг учун тарихи жулусни, бу бечора муҳаққар беғубор топиб, қасоидлар назм боғлади. Жаҳон паноҳи бу дуоғўйни сўроғлади. Бу гуноҳкору шармисорни ўзларига мубошир қилиб, насойиҳи мушфиқона ва мироҳими хисравона бирла «Мужрим» тахаллусини манъ қилиб ва алтофу подшоҳона амр бирла «Обид» деб тасмия қилдилар. Амр бўлдиким, киши «Мужрим» демасун. Алъон ул исми муборак бирла боқя мактуб тамом топди». Биз юқоридаги фикрларга суяниб, шоир Амир Ҳайдар замонигача «Мужрим», ундан сўнг «Обид» тахаллуси билан ижод қилган экан-да, деган фикрга келмаслигимиз лозим. Чунки шоир девонларида қўшалоқ: Мужрим—Обид тахаллуси билан ёзилган ғазалларни ҳам учратиш мумкин. Биз ўрганган 3798-рақамли девонда «Мужрим» тахаллуси 216 ғазалда, «Обид» тахаллуси 108 ғазалда, «Мужрим—Обид» тахаллуси 19 ғазалда қўлланган.

Шу ўринда яна бир тарихий далилни қайд этиш лозим. Муҳаммад Яқубнинг «Гулшан ул-мулук» асарида кўрсатилишича: «Тинч, осойишта кунлари, яъни Амир Ҳайдар пойтахтда бўлган кезлари, уламолар саройга келиб, унинг суҳбатидан баҳраманд бўлардилар. Бухоронинг ҳурматли кишилари, мавлумзодалар аркка тўп-тўп бўлиб келиб, Амир қошида дарс ўқирдилар ва баҳслар ўтказардилар. Бу овоза бутун ислом диёрларига ёйилди ва барча атрофлардан илм таҳсили учун одамлар Бухорога кела бошладилар».

Хўш, шоҳ Амир Ҳайдар билан Мужрим—Обид ўртасидаги иноқлик қай даражада бўлган? Чунки ҳозиргача дарслик ва тадқиқотларда бу шоҳ ва шоир бир-бирини ёқтирмаган кишилар сифатида талқин этиб келинди. Масалан, устоз В. Абдуллаев дарслигида ўқиймиз: «Адабиёт ва санъатни менсимай, дин ва хурофотга қаттиқ берилиб кетган Амир Ҳайдар эса унинг адабий тахаллусини ёқтирмаган, «Мужрим» тахаллуси ўрнига «Обид» тахаллусини олишни буюрган. Бу ҳол шоирни қаттиқ ранжитган. Шоир Обид (ибодат қилувчи) тахаллусининг кечираётган ҳаётига, хатти-ҳаракатига мос келмагани ҳамда ўзи диний хурофотларга — шайх ва зоҳидларга танқидий муносабатда бўлгани учун ўзига эп кўрмаган. Лекин у Амирнинг талаби билан бу тахаллусни ҳам қўллашга мажбур бўлганини эътироф этади.

Мутаассиб Амир Ҳайдар бу билан ҳам қаноатланмай, шоирга шеър ёзишни ташлаб, қаландарлик қилишни буюради. Лекин шоир бундай текинхўрлик йўлидан бормайди, ижодий иш билан шуғулланиб, фақирона ҳаёт кечиради».

Мужрим—Обид меросини синчиклаб кузатиб, бундай даъволарга исбот топмадик, бунга бирон-бир ишора ҳам учрамади. Тарихий маълумотлар эса Амир Ҳайдар ва Мужрим—Обиднинг бир-бирига ҳурмати баланд бўлганини кўрсатади. Юқорида эслатилган дебочада шоҳ Амир Ҳайдар шоир Мужримни мубошир (бошлиқ) қилиб таъйинлагани айтилади. Ёки Мужрим—Обид девонидаги:

Хисрави соҳибқирон исмимни Обид қўйдилар,
Яъни Мужрим бўлмасин, анда алам чекмасин;

Демас Мужримки, чекмас ман қилди шоҳдин берур,
Нишон давр исм Обид, Амир Ҳайдар шоҳсуворимдан;

Муборак исм Обидлиғ билан ёд этти султони
Амир Ҳайдар шоҳаншоҳ қулларига меҳрибонлиғда —

каби байтларда шоирнинг шоҳга илиқ муносабати акс этганини кўрамиз. Бу каби далилларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Бизга Мужрим—Обиднинг бой насрий ва назмий мероси етиб келган. Ўз ФАШИ хазинасида сақланаётган 991-, 976-, 1798, 3798-рақамли тўртта қўлёзмадан ташқари, яна Озарбойжон Фанлар академияси ва Тожикистон Фанлар академияси қўлёзмалар хазиналарида ҳам шоирнинг биттадан девони мавжудлиги ҳақида маълумот бор.

Юқорида саналган девонлар ичида тўлалиги ва яхши сақланганлиги билан ажралиб турувчи 3798-рақамли қўлёзма тадқиқотимизга асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Бу девон ҳижрий 1299, яъни милодий 1883—84 йили ҳаттот Мирзо Зулфиқорбек томонидан кўчирилган. Лекин ҳаттот бу ишни айнан чоршанба куни тугатганини қайд этса-да, бу йилнинг қайси ойи ва ойнинг нечанчи куни эканлигини ёзиб қолдирмаган. Биргина шу манбанинг ўзида 348 ғазал, 71 рубоий, 6 қитъа, 9 мухаммас ва «Ҳасби ҳол» — маснавий бор. Бу кичик мерос эмас. Шунинг ўзиёқ, Мужрим—Обид Бухоро адабий муҳитидаги етук шоир ва ўз замонасининг илғор дунёқарашга эга кишиси бўлганини кўрсатади.

Яна бир масала. Бугунгача чоп этилган дарслик ва тадқиқотларнинг барчасида «Мужрим—Обид» тахаллуси ўртасига тире қўйилган. Бу қўшалоқ тахаллус ўртасига тире қўйишни биринчилардан бўлиб Рустам Комилов бошлаб берган. Олимнинг шундай йўл тутиши бесабаб эмас, албатта.

Биринчидан, XIX аср охирида Қўқон адабий муҳитида «Мужрим» тахаллусли шоир ҳам яшаган. Бу Фазлий Намангонийнинг «Махмуат уш-шуаро» китобида қайд этилган. Кўриниб турибдики, Р. Комилов «Мужрим—Обид» деб ёзиш билан «Мужрим» тахаллусли икки шоирни аралаштирмаслик тарафдори бўлган.

Иккинчидан, «Мужрим—Обид» орасига тире қўймаслик уларнинг бири исм, иккинчиси тахаллуса (ёки фамилияга) ўтиб қолишига олиб келиши мумкин эди. Ҳолбуки, иккаласи ҳам тахаллус. Бу ҳақда олим Ёқубжон Исҳоқов ҳам Рустам Комилов фикрларига қўшилади. Унингча, тиресиз ёзиш Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон дегандагидек, Мужрим — исм, Обид — тахаллус деб тушунилиши мумкин.

Бундан бошқача мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Чунончи, профессор Абдурашид Абдуғафуров «Мужрим» ва «Обид» сўзлари ўртасига тире қўймаслик тарафдори. Унингча: «Тире қўйилиши масаласи жиддий мунозараларга сабаб бўлмасин. Бунинг келажакда ёзув чалкашликларига олиб келадиган томони ҳам бор. Биз ота-боболаримизнинг мероси, яъни ёзувларини қандай ёзган бўлса, шундай сақламоғимиз лозим. Араб ёзувида тире ишлатилмаган эди-ку!».

Хўш, ана шу бир-бирига қарама-қарши икки нуқтаи назарнинг қай бири маъқул?

Бизнингча, «Мужрим—Обид» тарзида, орада тире билан ёзиш керак. Чунки, йиллар давомида шаклланган анъанага кўра, бирор қаламкашнинг иккала тахаллуси ҳам бирга тилга олинадиган бўлса, албатта тире қўйилади: «Навоий—Фоний», «Дилшод—Барно», «Сиддиқий—Ажзий» каби. Энди: нега «Низомий Ганжавий», «Ҳофиз Шерозий», «Саъдий Шерозий» деганда тире қўйилмайди, деган ҳақли савол туғилиши ҳам мумкин. Бу ерда аҳвол бошқачароқ. Тўғри, булардаги иккала сўз ҳам — тахаллус. Лекин фарқ шундаки, бу тахаллуслардан иккинчиси шоирларнинг туғилган жойини англатиб келади, ўзи танлаган тахаллусларни эмас! Агар «Мужрим Бухорий» ё «Обид Бухорий» дейилганда тире қўйилмас эди.

Мужрим—Обид ўз ижодида мумтоз шеъриятимизнинг илғор анъаналарини давом эттиришга ҳаракат қилади. У лирика имкониятларидан ўзининг ҳаётий мушоҳадалари, илғор ғоялари ифодаси учун ижодий фойдаланишга интилди. Айниқса, ғазалларида Мужрим ёки Обид дейишдан кўзлаган мақсади ўзига хос йўсинда ифода қилинган. Худди шуни аниқлаш мақсадида девондаги ғазаллар мақтаъсини кўчириб олдик ва ғазал маъноси билан ундаги тахаллус маъносига эътиборни қаратдик, ўзаро чоғиштирдик:

Бу ҳасрат бирла охир даҳри фонийдан ғузар қилсам,
Ўқиб ғамномаи Мужримни ҳар бир марду зан йиғлар.

Шу нарса ойдинлашдики, «Мужрим» ё «Обид» тахаллусидан қай бирини қўллашни кўпинча ўша ғазалнинг умумий матний-ифодавий мазмуни талаб қилган.

Энди яна бир муаммо ўз ечимини кутади. Хўш, «Мужрим» ҳам «Обид» ҳам тахаллус бўлса, ўнда шоирнинг асл исми ким? Ҳозирча илмда Мужрим—Обиднинг ҳақиқий исми ҳақида аниқ маълумот йўқ.

Яқинда, қўлёзмаларни варақлаб бир ғазалга дуч келдик. Унда:

Ибодат йўқу Обидсан, ҳамоно исми Ҳомидсан,
Кишини панди айларсан киби расвои олама,—

деб ёзилган. Аниқки, бухоролик Мужрим-бошқа, қўқонлик Мужрим-бошқа киши. Қўқонлик Мужримнинг исми Эшон Ҳожи бўлиши мумкин. Бухоролик шоирнинг исми эса Ҳомид.

Хуллас, Мужрим—Обид ижодидаги ғазал мазмунининг тахаллус маъносига боғлиқлиги, ғазалларида эса ўзини Мужрим ёки Обид деб мурожаат қилишидан мақсади унинг мутасаввуф шоир эканлигини ҳам кўрсатади. Унинг ижоди қай даражада тасаввуфона шеърият эканини аниқлаш эса бўлак мақоланинг мавзуидир.

Ғафур ЭШМОНОВ,
ЎзРФА Адабиёт институтининг
кичик илмий ходими

Биз киммиз?

ТАРИХНИНГ ТОПТАЛГАН БИТИКЛАРИ

Тарих халққа сабоқ ва маърифат беради. Тарихни ўрганмасдан туриб келажакни англаб бўлмайди. Ҳар бир инсон, ҳар бир халқ ўз ўтмишини, аждодлари томонидан яратилган тарихий китобларни синчиклаб ўқиш, ўрганиш ва мутолаа қилиш орқали билиб олади. Тарих инсон ақл-идроки ва тафаккурининг шундай бир нодир ва мўъжизакор маҳсулидирки, унинг маънавий қудрати ва ёрдами билан биз барча кечмиш замонларнинг одамларига ҳамдаму ҳамнафас бўламиз, ўтиб кетган асрлар силсиласини бутун ҳаяжонлари, курашлари ва зиддиятлари билан кўз ўнгимизда гавдалантирамиз. Инсон тарихдан таълим-тарбия олади. Тарих сабоқларидан ўзига тегишли хулоса чиқара олмаган, кечаги кунини яхши билмаган миллатнинг келажаги бўлмаслиги ўз-ўзидан равшан.

Жаҳон тарихида салтанатни фуқаролар манфаати йўлидаги зўр бурч, айни пайтда, бир омонат деб тушунган ҳукмдорлар кўп эмас. Не бахтки, шундай ҳукмдорлардан бир нечаси қадим Туронзаминда, унинг ажралмас қисми бўлган Хоразм мамлакатида ҳам юрт сўраб ўтганлар.

Қадимги китоб «Овесто»да нақл этилган Хоразм тупроғи — Қуёш ўлкасининг таърифига тил ожизлик қилади. Хоразм ўзининг азал-азалдан номдор шахслари, ёвқур йигитлари ва паричеҳра қизлари билан оламга машҳур. Амир Темур бобомиздан икки юз йилча муқаддам унингдек қатта буюк бир салтанат қура олган, Хоразмшоҳлар давлати деб бир вақтлар бутун Шарққа довруг таратган хоразмликлар ички низолар ва феодал урушлар натижасида XIX асрнинг ўрталарига келиб пароканда бир хонлик даражасидаги улус ҳолатига тушиб қолдилар. Оқибатда Хева хонлиги, умуман олганда, бутун Туркистон айтарли қийинчиликсиз чор Россияси томонидан забт этилди.

Россия томонидан Хева хонлигининг босиб олиниши ҳақидаги маълумотларни ўзида мужассамлаштирган бир қанча тарихий солномалар ҳозиргача нашр қилинмай турган эди. Ана шундай муқаддас тарих китоблардан бири Хоразм тарихнавислигининг йирик намояндаси Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг «Шажарайи хоразмшоҳий» номли асаридир.

Яқинда адабиётшунослар — Нусратилло Жумахўжа ва Иқболой Адизова савобли бир ишни амалга оширдилар. Улар Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг «Шажарайи хоразмшоҳий» асарининг бир қисмини қўлёзма манбалар асосида нашрга тайёрлаб, уни тегишли лўғат ҳамда изоҳлар билан таъминлаган ҳолда чоп эттирдилар.

Баёнийнинг «Шажарайи хоразмшоҳий» асарида 1846—1913 йилларда содир бўлган тарихий воқеа-ҳодисалар изчил, таъсирли, равон тилда, шоирона услубда тасвирланган. Асардан ўша даврдаги Хева хонлигининг ички ва ташқи сиёсати, узаро феодал урушлар, тахт талашишлар ва унинг машъум оқибатлари, булар туфайли халқ бошига тушган мусибатлар ҳақида кенг маълумот олиш мумкин. Муаррих Баёний мазкур китобида Хева хонлигига Россия томонидан қилинган юришларни тасвирлар экан, Кауфман, Головачев, Скобелев, Верёвкин каби чор жаллодларига нафратини, меҳнаткаш ва жафокаш халққа нисбатан хайрихоҳлиги ҳамда ачиниш туйғуларини ҳаётий тарзда очиқ ифодалайди.

Баёнийнинг ёзишича, хонлик забт этилгач, Русия аскарларининг таъминоти ва кейинги ҳарбий юришларини таъминлаш учун Хоразм аҳолисидан 2.200.000 манат солиқ олишга қарор қилинди. Ушбу солиқнинг 300.000 манати туркманларнинг ёвмут уруғидан олиниши муқаррар бўлди ва бу ҳақда ёвмутларга хабар юборилди.

Хева хонлигининг фуқаролари бўлмиш ёвмутлар билан рус аскарлари ҳамда хон ўртасида ўша суронли ва зиддиятли даврда бўлиб ўтган воқеалар ҳам китобда ўзининг ҳаққоний аксини топган.

«Шажарайи хоразмшоҳий»да тасвирланишича, рус қўшинларининг бошлиғи Кауфман ҳузурига солиқ йиғиш учун муайян муҳлат тилаб келган ун битта ёвмут оқсоқолларига ўз қабилаларига қайтиб кетишга рухсат бермай, уларни гаровда сақлаб туради ва Головачев деган ўз лашкарбошисини чақириб, ёвмутларга қарши жанг ҳаракатларини бошлаш учун унга кўрсатма беради. Шуниси таассуфланарлики, Хева хони ҳам Яқуббой деган ўз одамини Головачевга қўшиб, туркманлар ичига юборади. Кауфманнинг фикрига кўра, ёвмутлар бу вилоятнинг энг шижоатли ва ғайратли кишилари бўлиб, улар билан ўзбеклар орасида қадимдан адоват бўлган. Кауфман мулоҳаза қиладики, агар мен буларни тор-мор этсам, ўрёки ўзбекнинг интиқомларини олган киши бўламан ва уларга миннат юклаб, ўзбекларни итоат остида тутиб тураман. Бу ўринда босқинчиларнинг қанчалик маккор бўлганликлари қадимдан қондош ва диндош бўлиб яшаб келаётган ўзбек ва туркманларни бир-бирларига қайраб солмоқчи эканлари яққол намоён бўлади.

Головачев бошчилигидаги босқинчиларнинг ёвузликлари китобда қуйидагича тасвирланадики, бу даҳшатли ҳақиқатлар ҳозир ҳам ўзининг аёвсиз кескинлиги билан кишини бефарқ қолдирмайди: «Қазоқ отлилар (казаклар) кўзга кўринганни отиб, қарри бободларни ва аёлу атфолни найза билан санчиб ўтга отар эрдилар ва амволларин торож этар эрдилар. Ул ҳолда баъзи уйлардин бир пора аёлу атфол ва қаррилар жамъ бўлуб қочиб борур эрдилар... Қазоқ отлилар оларни кўрган ҳамоно от солиб боруб ҳаммаларини қатл эттилар» (59—60-бетлар).

Ушбу ёвузликларни кўрган туркман ёвмутлари босқинчи ёвга қарши ҳаёт-мамот жангига отландилар. Ҳилолий деган жойда бўлган қизғин ҳарбларнинг бирида «қазоқ отлиларнинг саркардасига ўқ тегиб қатлга етди. Головачевнинг қўлига ўқ тегиб нокор бўлди. Бошдин оёқ қон бўлуб, ул ерда бир жой топиб паноҳлаб ўлтирди... Ямутлар урушга изларидан етиб қилич била эгинларига урар эрдилар. Бир қўли танасидан айрилиб ерга тушар эрди. Узларини шер гумон қилиб юрган қазоқ отлилари тилкудек бўлиб, қочиб кирмоққа сурок (тешик) топмай изтироби тамом била қочиб борур эрдилар» (62-бет).

Яқин-яқингача «совет тарихчилари» деб аталмиш биз — давр маддоҳлари марксизм классикларининг асарларидан кўчирмалар келтирмай туриб бирор саҳифа қоғозни қоралай олмасдик ёки бирорта анжуманда нутқ ирод этолмасдик. Шундай «эркинлик»ка қарамай, Ф. Энгелснинг бир фикрини мен битта ҳам мақолада 1991 йилгача учратмаган эдим. Энгелс ҳали 1878 йилдаёқ «Анти-Дюринг» китобида ушбу жумлаларни ёзган эди: «Генерал Кауфман 1873 йилнинг ёзида ёвмут татар қабиласига ҳужум қилиб, уларнинг ўтовларига ўт қўйди ва буйруқда айтилганидек, «Кавказнинг яхши одатига мувофиқ», уларнинг хотинлари ва болаларини қиймалаб ташлашни буюрди...» (Ф. Энгелс, Анти-Дюринг, 275-бет).

Россия империяси Туркистон халқларининг эрки, инсоний ҳуқуқларини поймол қилиш, модний бойликларини ўз тасарруфига тортиш билан қаноатланмай, маънавий мулкни ҳам талон-торож этган. Хева хони Муҳаммад Раҳимхон Аркда китоблар сақлайдиган махсус хоналар ажратган эди. Кауфманнинг буйруғи билан қимматбаҳо нодир қўлёзма китоблар мусодара қилинди. Бу ҳолни муаррих қуйидагича тасвирлайди: «Яна бир уйда уч юз мужаллад ёзма музайян китоблар бор эди ва чоройнаву совитлар ва дубулғалару қуллуқу тизлику ўқ-ёйларнинг ҳаммасига, мутасарриф бўлди, чун ҳаммаси мурассаъ ва мужавҳар ва баҳодор нимарсалар эрди, Петербургга юборилди» (53-бет).

«Шажарайи хоразмшоҳий»да Хева хонлигидаги амир-амалдорлар, машҳур кишилар ҳақида муҳим маълумотлар мавжуд. Китобни нашрга тайёрлаган Нусратилло Жумахўжа ва Иқболой Адизованинг сўзбошида ҳаққоний равишда қайд қилиб кетганларидек, асарни ўқиган китобхон Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг шоҳ, шоир ва мураккаб инсон сифатидаги қиёфасини тўла тасаввур этиши мумкин. Хоразмда қирқ етти йил салтанат тебраттан Муҳаммад Раҳимхон маърифатли шоҳ эди. У ҳукмронлиги даврида улусда илм-фан, адабиёт ва санъат ривож топишига ҳомийлик қилди. Шу билан бирга, Баёний хонинг шафқатсиз, тадбиркор ҳукмдор сифатидаги қиёфасини ҳам яширмай, руй-рост ва батафсил тасвирлаган. Бу ҳол, хусусан, Муҳаммад Раҳимхоннинг ёвмутлар билан юритган сиёсатида ўзининг яққол аксини топади.

«Шажарайи хоразмшоҳий» асари 16 боблан иборат бўлиб, Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида босилиб чиққан ушбу нашрга унинг фақат сўнгги икки боби киритилган, холос. Бу китоб Феруз давлатлудининг 150 йиллигига бағишлаб тайёрланган. Асарнинг тўлиқ мукаммал нашри ҳам толмас тадқиқотчилар бўлмиш Н. Жумахўжа ва И. Адизова томонидан чоп этишга тайёр қилиб қўйилибди. Келаси йили нашр этилиши ва шонланадиган Хеванинг 2500 йиллик тўйига у бир туҳфа бўлади, деб умид қиламиз.

Қаҳрамон РАЖАБОВ,
Ўз ФА Тарих институти
илмий ходими

Аллома Ғафур Ғулом кўп йиллар Себзор даҳасидаги Кадиобод маҳалласида яшаганлар ва ижод қилганлар. У зот маҳалла аҳли ила ғоят иноқ ва дўст эдилар. Тўй-томошалар, ғап-ғаштаклар Ғафур акасиз ўтмасди. Шоир бор жойда кулги, аския ва ҳазил-мутойиба авжига чиқарди. Улардан баъзиларини азиз ўқувчилар билан ўртоқлашгим келди.

Ғафур Ғулом ҳазиллари

ТЕСКАРИ ФОЛ

Боғимизда бўладиган навбатдаги улфатлар йиғинида қўшнимиз Ғулом ака ҳам қатнашдилар. У киши жуда ёқимтой, ширинсухан, ҳазил-мутойибага ўч эдилар. Овозлари ширали, мулойим ва равон эди. Дадамларнинг айтишларича, 30-йилларнинг бошларида радиода дикторлик қилган эканлар. Унча-мунча хирғойи ҳам қилардилар. Ғафур ака Ғулом акага ҳазил қилиб юрарди. Ғулом ака ҳам бўш келмас, баҳоли қудрат шоирга жавоб қайтарарди, олишардилар. Уша кунги улфатчиликда Ғафур ака ва дадамларнинг энг яқин дўстлари бўлмиш Шоаҳмад ака бор эдилар. У киши эл-юртда маълум журналист, кейинчалик яхшигина ёзувчи бўлганлар. Шоаҳмад ака узбекдан чиққан қалдирғоч стенографист эди. У киши жуда хушфеъл, кўнгли оқ, ўта камсўқум инсон эдилар. Меҳмондорчиликнинг доимий гули бўлмиш Ғафур ака одатдагидек Ғулом акага ҳазил қилмоқчи бўлиб, «Қани, Шоаҳмад, ҳунарингни ишга сол. Ғуломнинг топишмоқ суратини чизиб бер», дедилар. Ишорага тушгунан Шоаҳмад ака қўлига қалам, қоғоз олиб, Ғулом акага узоқ тикилдилар-да, аста-секин стенограмма ҳарфларини қоғозга чизилар. Сўнг уни Ғафур акага узатдилар. Шоир дедилар: «Ғулом! Дўстимиз Шоаҳмад ғоҳ-ғоҳида фолбинлик ҳам қилади. Шу чизган ҳарфлари сенинг фолинг. Бу қоғозни Бешёғочдаги идорага олиб борасан, менинг номимни айтсанг, фолингни очиқ-ойдин ёзиб беришади. Агар, фол сенга маъқул бўлса, улфатларга ош қилиб берасан».

Ғулом ака табиатан содда, ишонувчан эдилар. Шу боис Бешёғочдаги стенографистлар курсига бориб Шоаҳмад аканинг топишмоқ суратини, яъни «фолини» кўрсатибдилар.

Орадан бир ҳафта ўтгач, жума кунлар улфатлар яна боғда тўпландилар. Ғулом ака ҳаяллаб қолдилар. Ғафур ака мени Ғулом аканикига югуртирдилар. Ғулом ака энди кийиниб чиқаётган эканлар. Ғафур ака у кишини қучоқ очиб кутиб олдилар ва «Шоаҳмад ёмон фол очмайди, худо хоҳласа Ғуломнинг ошини еймиз», дейдилар. Ғулом ака табиатан тежамли, пишиқроқ, сарф-харажатга ўўқроқ эди. Шу боис, улфатлар ош унишига ишонқирамасдилар. Ғулом ака, муғомбирона илжайиб: «Фол менга маъқул бўлди, ош биздан», дедилар. Лекин, мен билан бирга сизлар ҳам ош қилиб берадиган бўлдинглар, чунки фолимиз бир хил чиқди», дея чўнтагидан қоғозни олиб ўқилилар. Унда шундай дейилган эди: «Эл дарозун охмақун», «Қани Ғафур, Шоаҳмад ака, мен билан бир сафга турингглар, агар сизлардан бир қарич баланд бўлсам, ош қилмаган номард!»

Ғулом аканинг гапини эшитган улфатлар қийқириб юбордилар. Ғафур ака, Шоаҳмад ака ва Ғулом акалар уччови ҳам бараварига, норғул, бўйлари теппа-тенг эди.

ЁЛҒОН БАҲОНА

Муўтабар Уста бувининг қўлбола мусалласи оби-зам-зам каби тансиқ, шифобахш экан. Ранги, таъми ва кайфи ҳам оромбахш, ажабтовур буларкан. У вақтларда турли-туман соф, тоза ва безарар ичимликлар бўлса-да, Ғафур ака билан дадам кўпинча уста бувникида меҳмон бўлардилар. Уста бува меҳмонлардан мусалласнинг аямасдилар, лекин уйга бермасдилар. Дадам билан Ғафур ака бир неча марта илтижо қилсалар-да, уйга мусаллас ололмаганлар. Бир куни икки дўст Уста бувадан мусаллас ундириш пайига тушибдилар. Уйлаб-уйлаб, бир қарорга келибдилар ва Уста бувининг боғига, Хончорвоққа йўл олибдилар. Шундан бир кун илгари боғда мириқиб мусаллас ичишган экан. Икки дўстни бир аҳволда кўрган Уста бува хавотирланиб, не бўлганини сўрабди. Ғафур ака дебтилар: «Кеча сизникидан уйга қайттач, қорнимиз оғриди, иситма кўтарилди. Келинингиз дарҳол тез ёрдам машинасини чақирди. Келган дўхтирлар у қилиб, бу қилиб бизни тузаттандек бўлди, нима еб, нима ичганимизни суриштирди. Оғзимдан «Мусаллас ичувдик», деган гап чиқиб кетибди. Ҳозир мусалласни топиб берасизлар, уни анализ қилмасак бўлмайди, анализ ёмон чиқса мусаллас эгасини жазолашимиз керак, деб туриб олишди. «Эртага эрталабгача ўзимиз олиб келамиз, деб дўхтирни зўрға кўндирдик».

Уста бува ҳанг-манг бўлиб қолибди. «Ана, қанча керак бўлса, шунчасини олларинг, фақат соғ-саломат бўлсаларинг бас, дўхтирингни ҳам тезроқ тинчитларинг, ғалва кўтариб юрмасин, қартайганимда маломатта қолмайин», дебдилар. Икки дўст мусалласдан олиб жўфтакни рослаб қолишибди. Бир ҳафталардан сўнг, яна уста бувникига бориб, мусаллас тоза чиққанлигини айтишиб, суюнчисига яна мусаллас ундиришибди.

Фатхулла АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими

„ШУ" ЭЪЛОНЛАРИ

СОТАМАН

● Фойдали маслаҳатларимни арзон-гаровга сотаман.

● Яхши тутилган машина ва сигир эҳтиёт қисмлари билан сотилади.

● Сифатли нарсаларни сотиб оламан ва сотаман.

● Учар гилам сотаман. Ўзи гиламга ўхшайди, лекин баҳоси самолётнинг баҳосига тенг.

СОТИБ ОЛАМАН

● Қуёш нури яхши тушадиган жойдан икки квадрат метр ер сотиб оламан. Кўп соя тушадиган жойлар тавсия қилинмасин.

● Шахсий фикр-мулоҳазаларни сотиб оламан.

● Пишиқ чармдан қилинган йўғон камар ва педагогикага оид қўлланмаларни сотиб оламан.

АЛМАШТИРАМАН

● «Миллий таомлар» китобини миллий таомларга алмаштираман.

● Битта икки ғилдиракли ва битта бир ғилдиракли велосипедни битта уч ғилдиракли велосипедга алмаштираман.

● Ўзимда бор нарсаларни ўзимда йўқ нарсаларга алмаштираман.

● Барча ҳаётий тажрибаларимни истиқболи бор янги тажрибаларга алмаштираман.

ТАКЛИФ ҚИЛАМАН

● Харидорларга «Саратон» деб номланган янги печене навини таклиф қиламиз. Бу навнинг бошқа навлардан афзал томони шундаки, баҳосини эшитган заҳотингиз қорнингиз тўяди ва терлай бошлайсиз.

● «Чанқоқбосди» тижорат сув дўконига олий маълумотли қоровуллар керак.

● «Босиб олди» мавзесида очилган янги касалхонага янги касалларни таклиф этамиз.

● Қадди-қомати келишган, тўрт томонлама ғўзал, бўйни ингичка, бўғишга ўнғай, санъат учун жонини ҳам қурбон қилишга тайёр актрисаларни — Дездемона ролига таклиф қиламиз.

...ВА БОШҚА ЭЪЛОНЛАР

● Тўйга чопон ва қўчқор ижарага берилади.

● Ақл ва идрокимни виждонга алмаштираман.

● Электр токининг йўқлиги сабабли экстрасенс Ҳаққулов вақтинча беморларни қабул қилмайди.

● Барча фанлар бўйича уй вазифаларини ишлаб бераман.

ҚИДИРИЛМОҚДА

● «Агат» лақабли кучук изланаяпти. Кўриниши: жуни қора — жингалак, бўйни оқ, думи кесилган. Асосий белгилари ҳуда-беҳудага вовуллайди. Света опага қўнғироқ қилинг.

● Яқинда шаҳримиз бозорларининг бирида ўғрини қўлга олиш вақтида пулини ўғирлатган киши йўқолиб қолди. Пулини йўқотган кишини кўрганлар тегишли идораларга қўнғироқ қилсин.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

● «Ит севарларнинг кўнгилли жамияти» томонидан Бобик Қоплонов номига берилган ИТ-133100200 номерли паспорт, итнинг ҳаром ўлганлиги муносабати билан бекор қилинади.

ХОНАКИ ҲИКМАТЛАР

МАЙДА-ЧУЙДА

● Аввалари одамларни қўли боқарди, энди эса оёғи.

● Қанча кўп иқтисод қилсак, шунча кўп мукофот оламиз.

● Телефон орқали саломлашганда эгилиш шарт эмас.

● Рақс — қўшиқнинг сурдо таржимаси.

● Дўконни қоровул қўриқласа, қоровулни ким қўриқлайди?

● Товуқнинг ўзи тухумнинг ҳозирги нархини билармикан?

● Қорин ғамида юрган каллага қийин.

● Хотин — қозиқ. Эрни шу қозиққа боғлаб қўймаса ўтлаб кетади.

САВОЛИГА ЯРАША...

— Нима учун тарвузни тўртбурчак қилиб кесишади?

— Думалаб кетмаслиги учун.

* * *

— Аёллар пулга, эркаклар текинга оладиган нарса нима?

— Лаб бўёғи.

* * *

— Кимлар кўпроқ бош билан ишлайди?

— Сартарошлар.

* * *

— Нега помидорнинг ранги қизил?

— Бодринг билан адаштириб қўймаслик учун.

* * *

— Чўпон нимага ўзи билан таёқ олиб юради?

— Қўйлардан қўрққани учун.

* * *

— Нимага товуқ тухум қўяётганда қақиллайди?

— Реклама учун.

* * *

— Одамлар нима учун ишга борадилар.

— Тушлик қилиш учун.

* * *

— Туз қачон шакарга айланади?

— Овқатга солингандан кейин.

* * *

— Боксчилар нима учун қўлқоп кийишади?

— Бармоқ изи қолмаслиги учун.

* * *

—Колумб Американи кашф этмаганда нима бўларди?

—Биз доллор нималигини билмасдик.

* * *

Ичувчининг кучи қаерда бўлади?

— Шишанинг ичида.

Илҳом ЗОЙИР

ЛОФЛАР

Эшмат лофчи мақтанди:

— Раисимиз денг, барака топсин, ўта уддабурон чиқди-да. Даштда беш-олти ерни ковлаттириб, сунъий кўл қилдиртирди. Балиқчилик бўлими очди. Бултур бармоқдай-бармоқдай балиқлардан олиб келиб ташлагандик, бу йил қарасак, билакдай бўлибди. Қани энди уларни қўлда тутиб адо қилиб бўлса! Раисимиз ўйлаб-ўйлаб йўлини топди. Бухорога бориб битта туя миниб келди. Ҳалиги туя жониворни балиқ тутишга ўргатди. Балиқ керак бўлганда туя шалоп этиб сувга тушади, «ҳавп» этиб балиқларни ютади. Қорни тўлганда пишқириб қўлдан чиқади. Биз шир-р этказиб туянинг қорнини ёрамиз-да, жамики балиқларни тосларга тўкиб оламиз. Кейин туянинг қорнини қайтадан тикиб, елимлаб, яна қўлга ҳайдаймиз. Жонимиз кириб қолди. Ҳар куни беш-ун туяқорин балиқ ушлаб турибмиз.

Буни эшитиб Тошмат лофчининг энсаси қотди:

— Раисларинг ношудроқ экан, — деди у, — мана бизнинг раисни раис, деса бўлади. Бизда ҳам балиқчилик хўжалиги бор, биз ҳам туядан фойдаланамиз. Аммо бизни раис калласини ишлатди. Туя бечорани ҳадеб қийнаб ўтираманми, деб жониворнинг қорнига мослаб «молния-замок» тиктириб қўйган. Балиқ тутадиган палла бўлганда «тир-р» этказиб «молния»ни тортамизу туяни сувга ҳайдаймиз. Туя қорнига сиққанча балиқ ютиб, сувдан чиққач, яна «шир-р» этказиб, «молния»ни ечамиз. Қарабсиз-ки, ботмон-ботмон балиқ юмалаб етибди-да! Ҳам вақтдан ютамиз, ҳам туянинг жони оғримайди.

***

Ёшроқ лофчи керилди:

— Бир қора қўмғоним бор. Ҳамма уни новвот қўмғон дейди. Шу десангиз, бултур бошмалдоқдай новвот солиб, қайнатиб ичган эдим. Ҳалигача мазаси чиқади жониворнинг. Қуни-қўшнилар ширин чой ичкиси келса, сўраб киришади.

Мана бир ҳафтадан бери қўмғон уйда йўқ. Ҳамсояларникида тентираб юрибди. Бечоралар роҳат қилиб новвот чой ичиб ўтиришган бўлса керак-да.

Буни эшитиб ўрта яшар лофчи кулди:

Унақа қўмғонни «шара-бара»га топшириб юборинг! Қўмғоннинг зури бизда. Отам раҳматлик беш-олти йил бурун унга пашмак ҳолвадан бир булак ташлаб кетган эканлар, ҳалигача иси маст қилади. Ширинлик соғинсак, қўмғоннинг сиртидан бир-икки ялаймиз, тамом, нафсимиз улади. Мана бу — Қўмғон, биродари азиз!

С. ҚАРНОҚЛИ

ЭҲТИЁТКОР ОДАМНИНГ ҚАЙДЛАРИДАН

ҒАЛВИР

Соғлиқни авайланг.
Соғлиқни асранг.
Аввал соғлиқ, сўнгра шарму одоблар.
Вужудимиз вайрон этмоқ-чун, қаранг,
Шай бўлиб турибди қанча микроблар.

Олисдан бош ирғанг. Шу бас. Етади.
Нечун қучоқ очиш, ёниқ хитоблар.
Ахир, сўйлашганда ўтиб кетади
Ҳаводан юқумли турли микроблар.

Яхшиси кам ўқинг. Шунда ҳам сира —
Алмашиб юрмасин журнал-китоблар.
Бегона қўл теккан саҳифаларда
Пайдо бўлиб қолар ғиж-ғиж микроблар.

Бепарво бўлманг-ей саратонда ҳам,
Беўйлардан чиқар барча бетоблар.
Ёзда ёпинғич. Куз, қиш, баҳор — аён...
Иссиқ кийингандан қўрқар микроблар.

Атирли дастрўмол бурунда бўлсин,
Жамоат жойларда айланг шитоблар,
Шошилинг, ифордан қиралиб ўлсин
Квадрат метрда юз минг микроблар.

Абдуқаюм ЙЎЛДОШ

МЕН ИНКУБАТОРДАН ЧИҚҚАНМАН

ЭСҲОН КУЛАДИ

* * *

— Менга турмушга чиқ, — деди йигит.

— Майли, — жавоб берди қиз. Сўнг бирдан иккови ҳам жим бўлиб қолишди. Ниҳоят қизнинг сабр-тоқати тугади ва деди:

— Азизим, нега ҳеч нарса демаяпсан?

— Шундай ҳам ортиқча сўз айтиб қўйдим, — деди йигит.

* * *

Бир кампир тушлик учун ресторанга кирди. Одам кўплигидан бир қиз ўтирган столга ўтирди. Қиз тезлик билан овқатини еди-да, чўнтагидан сигарета чиқариб чека бошлади. Бундан кампир тажанг бўлиб кесатди:

— Мен жамоат жойида чекандан кўра, эримга хиёнат қилган бўлар эдим.

— Биласизми, мен ҳам албатта шундай қилган бўлардим. Аммо тушликка берилган вақт фақат чекишга етади, холос.

* * *

— Сизни турмуш ўртоғингиз билан ким таништирган?

— Биз қутилмаганда танишиб қолганмиз. Бунинг учун ҳеч кимни айблай олмайман.

* * *

— Шурвадаги гўшт жудаям қаттиқ-ку.

— Билмадим. Ҳаммасини рецепт бўйича қилдим. Унда бир кило гўштни бир соат қайнатинг дейилган экан. Мен ярим килограмм гўштни ярим соат қайнатдим.

* * *

Эр хотинининг садоқатини синаб кўрмоқчи бўлди. Сафарга кетяпман деди-ю, аммо юкхонага яшириниб кеч бўлишини кута бошлади. Ярим тунда ичкаридан овоз эшитилди:

- Орқа билан, орқа билан. Оёқни торт. Ана шундай, энди яхши бўлди.

Эр бир неча фурсат кутиб турди ва чопиб хонага кирди. Хотини жимгина ухлаб ётар, пианинони эса ўғирлаб кетиқган эди.

* * *

Ёш келин-куёв никоҳ бюросига келишди.

— Сизлар ҳаётингиздаги бу муҳим қадамга жиддий тайёргарлик кўрдингизми? — сўради бюро ходимаси.

— Албатта, — деди куёв. — Аллақачон икки яшик арақ, уч яшик вино олиб қўйганмиз.

* * *

Карта ўйнаб ютқазиб келган эр хотинига мақтанди:

— Биласанми, бугун жуда омадим келди, Икки минг рублга олган кўк костюмим бор эди-ку, ўшани олти мингга ютқаздим.

* * *

— Айт-чи, сен нима учун менга турмушга чиқдинг?

— Сени тўнкалигингни билмаган эдим.

— Ёлғон гапирма, билгансан.

* * *

Бир йилдан бери хотиним билан гаплашмайман.

— Нега?

— Гапини бўлгим келмайди.

* * *

— Хотининг овқат тайёрлашни биладими?

— Билишга-ку билади-я, аммо мен у тайёрлаган овқатни ейишни билмайман.

* * *

— Азизим, кел тўйимизни Рождество байрамида ўтказамиз.

— Қўйсанг-чи, байрамни бузиш шартми?

* * *

Она бўлажак куёвини мақтар, қизи эса эътироз билдирарди:

— Мени тинч қўйсанг-чи, ойи. Кўрмаяпсанми, мистер Браун қари, қуримсиз, хунук одам. Унинг ягона ютуғи пули.

— Нега энди ягона ютуғи пули экан. Ахир, унинг юрак ўйноғи касали ҳам бор-ку.

* * *

— Эрим тўйдан сўнг бирдан ўйлаб қолди.

— Бечора. Мутлақо қийналмабди.

* * *

— Ўйланганмисиз? — сўради судя гувоҳдан.

Гувоҳ оғир нафас олди.

— Ўйланган, ёзиб қўй, — деди судя котибага қараб.

* * *

Эр хотинига:

— Тўғри, мен ўйланганимда олтин тоғлар ваъда қилгандим. Аммо кир ювадиган машина ҳақида гап бўлгани йўқ.

* * *

— Азизим, газетада ёзишича бевалардан яхши хотинлар чиқар экан.

— Демак, сен яхши хотин бўлишинг учун мен ўзимни осишим керак экан-да.

* * *

— Жон, эшитишимга қараганда сен қизингни бир неча йиллардан буён гаплашмайдиган қўшнингга бераётган эмишсан.

— Ҳа, ундан ўчимни олмоқчиман.

* * *

Ёш келин овқат келтира туриб турмуш ўртоғига деди:

— Азизим, бор йўғи икки хил овқат — сутли каша ва кампот пишира олишимни сенга айтиб қўйишим керак.

Эр келтирилган овқатга разм солди ва деди:

— Бу қайси бири.

* * *

— Азизим, мени яна бир марта ўпсанг, бир умрга сеники буламан.

— Шунақами? Оғоҳлантириб қўйганинг учун раҳмат.

* * *

— Қизимни мусиқачи бўлишини жуда-жуда истардим. Лекин скрипка олиб бериб ҳам ҳеч нарсага эриша олмадим.

— Менда ҳам шундай бўлди. Қайнонамга чемодан олиб бериб ҳам ҳеч нарсага эриша олмадим.

* * *

Қуёв янги йилга атаб бир шиша арақ сотиб олди ва арчанинг тагига яшириб ўстига «Бу ерда арақ йўқ» деб ёзиб қўйди.

Эртаси куни келиб қараса арақ йўқ, унинг ёзуви ўрнида «Типратикон арақни олгани йўқ», деган ёзув турибди.

* * *

Типратикон бир куни ўрмонда кета туриб чуқурга тушиб кетди. Бир-икки ҳаракат қилди, чиқа олмади. Шунда қўл силтаб деди:

— Яхшиси ҳозир уйга бораман-да нарвон олиб келиб чиқиб кетаман.

* * *

Тулки жўжани ушлаб емоқчи бўлди. Жўжа йиғлаб деди:

— Яхшиси мени қўйиб юбор, ҳозир отам билан онамни эргаштириб келаман.

Тулки жўжанинг гапига ишонди ва қўйиб юборди. У учиб томнинг устига чиқди-да, деди:

— Жинни, ишонди. Мен инкубатордан чиққанман-ку.

* * *

Қуён ошхонага кириб кофе ва нон олди, сўнг қўл ювишга кетди. Қайтиб келса, кофеси йўқ. У ўтирганларга бақирди:

— Ким менинг кофемни ичди?

Ҳеч ким индамади. У яна бақирди:

— Ким менинг кофемни ичди, — деяпман?

Айиқ ўрнидан турди:

— Нима демоқчисан, мен ичдим.

— Нега нонни ҳам емадингиз демоқчийдим.

* * *

— Қўриқчи итинг жуда сезгирга ўхшайди.

— Нимасини айтасан. Кечаси қандайдир ваҳимали товушни эшитиб қолиб, уни уйготсанг, шундай ҳурадики...

Русчадан Б. УММАТОВ таржимаси

ЭСЎРАНДАНИНГ ҚОЗОНИ

«Олон» бозори биқиқидаги «Бечиқит» хусусий ошхона мудири Олғир Олойи нима бўлдию кўчанинг муюлишидаги китоб дўконига кириб қолди. Пештахта устига териб ташланган китобу китобчалар, тўпламу тўпламчалар, турфа хил қўлланмаю йўлланмаларни обдан томоша қилди. Бир вақт десангиз, кўзи битта журналга ўхшаган, усти юпқа пленка қоғоз билан ўраб қўйилган китобга тушди. Муқовасида, ёпирай, ширялангоч... Шундоқ қўлини узатганини билади, сотувчи бола таппа босди.

— Томоша қилиш ўн сўм!

Олғир Олойининг жаҳли чиқди, икки юзи худди сомсапазникидек қизариб кетди.

— Хўб, ука, ун сўм бўлса, ун сўм-да, — деди ўзини босишга ҳаракат қилиб. — Аввал кўрай, ёқса...

— Аввал ун сўм тўланг, кейин кўраверасиз, — деди сотувчи парво қилмай.

Олғир Олойи э, бор-е, деб чиқиб кетмоқчи ҳам бўлди. Аммо ўйланиб қолди: «Индамай чиқиб кетсам, вой муттаҳам-ей, текинга кўрмоқчи бўлган экан-да, деб ўйлаши мумкин. Яхшиси, бир нима олай...»

Ошхона мудири шу мулоҳазага бориб бир четда мусофирдай мунғайиб турган шеърий китобни, умрида шеър ўқимаган бўлса ҳам, сотиб олди. Пули қўйди-да, ошхонага келиб у ер-бу ерини варақлади: «Самар Қамар ўғли. «Чароғон чироқлар». Тақризчи — муаллифнинг ўзи. Муаллиф қоғозига муаллиф ҳисобидан босилди. Муаллиф белгилаган баҳода сотилади. Бадиий савияси учун муаллифнинг ўзи жавобгар...»

Олғир Олойи худди йўқотган нарсасини топиб олган боладай сапчиб ўрнидан туриб кетди ва бутун хонани тўлдириб «Э, хомкалла», деб юборди...

Эртасига эрталаб ошхона пештоқидаги «Кам харж билан кўп маҳсулот чиқарайлик» деган ёзув ёнида йирик-йирик ҳарфлар билан ёзилган шундай эълон пайдо бўлди: «Таомлар ҳўрандалар масаллиғидан тайёрланади. Ҳўранда қозонида пиширилади. Ҳўранда илишига сузилади.

Таом сифати учун ҳўрандаларнинг ўзи жавобгар».

Аҳмад ОҒА

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ
ЎЗБЕКИСТОН ADABIYOTI VA SANATI
ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА
Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона телефони— 33-52-91
* * *
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир —Адиба ҲАМРО қизи

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0129. Ҳажми — 4 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593. 1 2 3 4 5 6